

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ВА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

**МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ ВА
МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ЙЎНАЛИШИ**

4-КУРС ТАЛАБАСИ АБДУМАЖИДОВ АХРОРБЕКНИНГ

**“ЎЗБЕКИСТОНДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ” МАВЗУСИДАГИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: ю.ф.н.доцент Т.Т.Мадумаров

Андижон 2014 йил

ЎЗБЕКИСТОНДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-9
I-БОБ. Ўзбекистонда микрокредит ташкилотларининг ўзига хос ташкилий ҳуқуқий жихатлари.....	10-36
1.1. Микрокредит ташкилотлари микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс сифатида.....	10-23
1.2. Микрокредит ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий жихатлари....	23-36
II-БОБ. Микрокредит ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш, тартибга солиш ва жавобгарлик масалалари.....	37-60
2.1. Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби....	37-44
2.2. Микрокредит ташкилотларининг хизматлар кўрсатиш бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.....	45-49
2.3. Микрокредит ташкилотларининг жавобгарлик масалалари.....	49-60
Хулоса.....	61-64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	65-74

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Бугун дунё амалиётида қўлланиб келинаётган микромолиялаш институти Ўзбекистонда ҳам ўзининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиб келмоқда. Микромолиялаш институти Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги институтлардан саналиб, ўз таркибига микрокредитлаш, микрожамғармалар, микролизинг кабиларни қамраб олади. Булар орасида мамлакатимизда микрокредит ва микролизинг хизмати устунлик қилиб келмоқда ҳамда бундай кўринишдаги молиявий хизматларни банклар, кредит уюшмалар, ломбардлар, микрокредит ташкилотлар юритмоқда.

Президентимизнинг 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида куйидаги сўзларни ифода этди: “Амалга оширадиган тадбирларимиз қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Сўнги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди”¹

Айни вақтда 70 мингдан ортиқ миқозни қамраб олган микромолиялаш Ўзбекистон аҳолиси катта қисмининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш борасидаги энг реал имкониятдир. Микрокредитлаш дастури бўйича ишлаётган тадбиркорлар ўрта ҳисобда 2-3 нафар оила аъзосини ўз бизнесига тортмоқдалар. Бу эса Ўзбекистонда иш билан бандлик соҳасидаги мавжуд муаммолар ва демографик вазиятнинг хусусиятлари нуқтаи назаридан қараганда ғоят муҳимдир. Социологик сўров микрокредитлар олганидан кейин янги иш жойларини яратаётган тадбиркорларнинг 81%и микрокредит ташкилот кредит уюшмаси миқозлари эканлигини кўрсатди.²

Бироқ, микромолиялаш соҳаси қонунчилигида бугунги кунда ўз ечимини топиши лозим бўлган муаммолар юзага келмоқдаки, улар бугунги кунда микрокредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолиятини ўрганишнинг долзарблигини белгиламоқда. Хусусан, нобанк кредит ташкилотлар тушунчасининг қонунчиликда конкретлаштириш масаласи, айнан қандай турдаги ташкилотларни нобанк деб ҳисоблаш кераклиги ва улар қандай талабларга жавоб беришлари лозимлиги ҳақида меъёрлар мавжуд эмас. Микрокредит ташкилотларининг ҳуқуқига тегишли масалалар, жумладан, қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ҳуқуқига руҳсат бериш ёки бермаслик, омонатларни жалб этиш кабилар. Бундан ташқари, микромолиялаштириш билан шуғулланувчи бошқа турдаги нодавлат ноижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомига оид масалаларни ҳам ўрганишни талаб этмоқда.

¹ Каримов И.А. Асосий вазирамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б.35.

² Каримов.И.А.Ўзбекистонда микромолиялашни ривожлантириш. Маъруза. -Тошкент: Иқтисодий Тадқиқотлар Маркази.-Тошкент: 2005. –Б.7.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2007 йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий устуворликлари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида “2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш” Дастури¹ ишлаб чиқилди. Ушбу дастурдан қутилаётган натижалар ҳам, жумладан, республиканинг барча минтақаларидаги ва микромолиявий хизматларга муҳтож бўлган аҳолини (ҳисобланган 350-400 минг киши) тўлиқ қамраб оладиган микромолиялаштиришнинг самарали ва рақобатга бардошли тизимини яратиш (97 микрокредит ташкилоти ва 67 кредит уюшмаси); кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг кредит қўйилмалари жаъми ҳажмини 2007 йил 1 майдаги ҳолати бўйича 22,9 млрд сўмдан 2010 йил бошида 127 млрд сўмгача кўпайтириш; самарали назорат қилишни таъминлайдиган яхлит қонунчилик ва тартибга солиш базасини яратиш ҳамда тегишли равишда микромолиявий хизматлар бозорида очиқ-ошқора фаолият кўрсатиш тизимига эга бўлган соғлом микромолиявий муассасаларнинг ҳозир бўлиши ҳисобига микромолиявий секторни ва унинг инфратузилмасини барқарор ривожлантириш каби муҳим вазифалар мавзунинг аҳамияти ва долзарблигини белгилаб бермоқда.

Шу билан бирга миллий цивилистикада микрокредит ташкилотларининг юридик шахс сифатидаги белгилари, уларнинг ҳуқуқ лаёқатидаги ўзига хосликлар, микрокредит ташкилотларини ташкил этиш ва бекор бўлишининг муҳим жиҳатлари, микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг хусусиятлари тадқиқ этилмаганлиги назарий жиҳатдан ушбу ҳолатларни ўрганиш ва таҳлил этишни, микрокредит ташкилотлари ҳуқуқий мақомини аниқлашни тақозо этади. Айниқса, микрокредит ташкилотларининг молиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар тизимидаги ўрнини аниқлаш, уларнинг кредит уюшмалари, кредит банклари ва бошқа кредит ташкилотларидан фарқли жиҳатларини таҳлил этиш фуқаролик ҳуқуқи фани олдидаги вазифалардан биридир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эътиборли жиҳати шундаки, микромолиялаш фаолияти сўнгги йиллар ичида кўплаб тадқиқотчиларни жалб этиб келаётган долзарб мавзулардан саналади. Мавзунинг иқтисодий категория ва тушунчалар билан боғлиқ эканлиги, бу соҳа вакиллари томонидан илмий изланишлар олиб борилаётганлиги диққатга сазовор. К.Н.Алексеева, О.Иминов, Ж.Муҳиддинов, Д.Рустамов, Д.А.Таджибаева, Д.Юлдашевларнинг илмий тадқиқотларида микрокредитлашнинг кредит муносабатлар тизимидаги назарий, методологик асослари тизимлаштирилиб, микрокредитлаш хориж тажрибаси иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил этилган, микрокредит институтлари

¹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007. 23-сон, 239-модда.

фаолиятининг аҳоли турмуш даражаси билан боғлиқ молиявий жихати ўрганилган.¹ Мавзу юридик жихатдан МДХ давлатлари ва Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам тадқиқ этиб келинмоқда. Хусусан, И.Анортоев, К.Ю.Артюх, М.Баратов, М.И.Брагинский, С.Н.Братусь, В.В.Витрянский, У.Н.Дўстов, И.Б.Зокиров, В.А.Захаров, О.С.Иоффе, Ж.А.Ионова, О.А.Красавчиков, А.А.Муҳаммадиев, О.Оқюлов, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, Р.Ж.Рўзиев, М.В.Раздолькин, А.П.Сергеев, О.Б.Сиземова, Е.А.Суханов, Ю.К.Толстой, Е.Г.Хоменко, Ш.С.Шамшетов², А.Е.Шерстобинов, Ф.Ю.Шодмонов, В.М.Юровицкийларнинг илмий мақола, монография, ўқув қўлланма, номзодлик ва докторлик диссертацияларида умумий тарзда назарий таҳлил этилган.³ Бироқ, микромолиялаш фаолияти муносабатларидаги муаммолар, шунингдек, микрокредит ташкилоти ҳуқуқий ҳолати умумлаштирилган илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур тадқиқотнинг мақсади юридик шахсларнинг бир тури бўлган микрокредит ташкилотларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини очиб бериш, микрокредит ташкилотларининг фуқаролик ҳуқуқ субъектлигини тавсифловчи белгиларини аниқлаш, микрокредит ташкилотлари фаолияти бўйича муаммоларни акс эттириш, қонунчиликда қўлланиши лозим бўлган назарий масалаларни, ҳуқуқни қўлловчи субъектларга амалий тавсияларни, шунингдек, фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқишдир.

¹ Қаранг: Алексеева К.Н. «Формирование и перспективы развития микрофинансовых институтов в Республике Саха (Якутия). Экономика и управление народным хозяйством. Дисс.учен.степ.канд.эконом.наук. –Якутск: 2003. – С. 169; Таджибаева Д.Х. Микрокредитование в системе кредитных отношений. Дисс. канд.экон.наук.. МВ и ССОУз, Таш.гос. экон. ун-т. –Ташкент: 2004. –С.175., Иминов О. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг нобанк кредитланиши.//Бозор, пул ва кредит. 2000. -№3. –Б.45-4.; Муҳиддинов Ж. Кредитлашни тартибга солиш.// Бозор, пул ва кредит. 1998. -№4. -Б.41-44.; Рустамов Д. Кенг омма учун микрокредитлар.// Бозор, пул ва кредит. 1999. -№9. –Б.29-32.; Юлдашев Д. Ўзбекистон иқтисодиётида банк кредитидан самарали фойдаланиш.//Иқтисодиёт ва таълим. 2005. -№2. –Б. 63-67.

² Ш.С.Шамшетов.Учебное пособие// Правовое регулирование деятельности кредитных союзов в Республике Узбекистан.-Қарақалпақстан: 2007. – С.129.

³ Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –Б. 86.; Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Тошкент: ТДЮИ, 2004. –Б.151-152.; Муҳаммадиев А.А. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиши. Юрид.фан.ном.дисс... автореф. –Тошкент: 2006. –Б.7-8.; Ионова Ж.А. Правовые проблемы государственной регистрации и лицензирования предпринимателей. Дисс....канд.юр.наук. -М.: 1997. –С. 35.; Гражданское право. Том 1. Учебник. Издание четвертое, переработанное и дополненное./Под ред. А.П.Сергеева. Ю.К.Толстого.-М.: Проспект, 1999. –С. 136-137.; Артюх К.Ю. Правовое регулирование кредитования малых предприятий в Российской Федерации а рамках программы Европейского банка реконструкции и развития. Автореф.дис....канд.юрид.наук/ /Рос.ун-т дружбы народов. –М.: 2003. –С. 17.; Захаров В.А. Правовое регулирование создания юридических лиц. Дис....канд.юрид.наук. –Екатеринбург: 2001. -С.136-138.; Шодмонов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Юрид.фан.докт.дис....автореф. -Тошкент: ТДЮИ, 2002. –Б.46.; Шерстобинов А.Е. Правовое положение банков и иных кредитных организаций// Правовое регулирование банковской деятельности./ Подред. Е.А. Суханова. -М.: Юринформ, 1997. –С.16.; Раздолькин М.В. Гражданско-правовое регулирование деятельности небанковских кредитных организаций в Российской Федерации. Дис...канд. юрид. наук.:12.00.03. –М.: 2004.; Сиземова О.Б. Правовое регулирование межбанковских расчетов и совершенствование их организации: Автореф.дис... канд.юрид.наук. –М.: 2003.; Хоменко Е.Г. Правовые проблемы осуществления кредитными организациями профессиональной деятельности на рынке ценных бумаг: Автореф.дис...канд.юрид.наук. Моск.гос.юрид. акад. –М.: 2004. –С.28.; Юровицкий В.М. Банки и небанковские финансовые учреждения. //Банковское дело. 1994. - №5. –Б.12.

- микромолиялаш тизимидаги кредит ташкилотлар доираси, вазифа ҳамда ўзаро фарқларини таҳлил этиш;
- микрокредит ташкилотлари микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс сифатидаги мақомини аниқлаш;
- микрокредит ташкилотининг юридик шахс сифатидаги белгиларини кўрсатиш;
- бозор иқтисодиёти шароитида микрокредит ташкилотлари ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилиш;
- микрокредит ташкилотларининг ташкилий ҳуқуқий жиҳатларини аниқлаш;
- фуқаролик муомаласида микромолиялаш хизматларининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш;
- микрокредит ташкилотларининг хизматлар кўрсатиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасини аниқлаш;
- микрокредит ташкилотлари жавобгарлигининг ҳуқуқий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиб, тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ўрганиб чиқилган илмий-назарий, норматив ва амалий материаллар асосида микрокредит ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги нормаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, микрокредит ташкилотларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми ва фаолияти юзасидан вужудга келувчи фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети микрокредит ташкилотлари фуқаролик ҳуқуқий мақоми ва кўрсатадиган хизматларига оид муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолар мажмуаси ташкил қилади.

Тадқиқот методлари. Мавзунини тадқиқ этишда тарихийлик, тизимлилик, статистик ва хронологик таҳлил миллий қонунчиликни шарҳлаш, ҳуқуқий қиёсий таҳлил каби услублардан фойдаланилди. Тадқиқотнинг методологик асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий ҳуқуқий тизим тараққиётининг асосий йўналишларига асосланган демократик давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасидаги асарлари, маърузалари олинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг таҳлил ва хулосаларидан микромолиялаш фаолиятини конкрет ҳуқуқий тартибга солишда, хусусан кредит ташкилотлар (банк ва нобанк) ҳуқуқий мақоми, тури, микромолиялаш тизимида микрокредит, микроқарз, микролизинг тушунчалари ҳақидаги назарий билимларни бойитишда ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда бу каби хизмат турларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришда аҳамиятлидир.

Илмий тадқиқотда билдирилган таклифлар, тавсиялар, фикр ва мулоҳазалар қонунчиликдаги, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг микромолиялаш соҳасидаги қонунчилик нормаларни мукамаллаштиришда ва ноаниқликларни бартараф этишда, турли мулк шаклига асосланган юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ амалий фаолиятида, фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва дастурий кўрсатмалар тайёрлашда, тегишли илмий тадқиқот ишларида манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ишнинг илмий янгилиги. Диссертацияда илк бора Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида микромолиялаш ва микрокредит ташкилотлари фаолияти ва ҳуқуқий мақоми тадқиқ этилди. Тадқиқот ишида микрокредит ташкилотларининг фуқаролик ҳуқуқи субъекти бўлган юридик шахслар тизимида тугган ўрни, унинг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тузилма эмаслиги, микрокредит ташкилотлари амалдаги фуқаролик қонунчилигида мавжуд бўлган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий тузилмаларидан бирининг кўринишида ташкил этилиши, микрокредит ташкилотларини ташкил этишга нисбатан қонунчиликда белгиланган чеклашлар уларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи муҳим омиллар саналиши асослаб берилди. Фикримизча, диссертациянинг илмий янгилигини қуйидаги ҳолатлар билан боғлаш мумкин:

- амалдаги қонунчилик ва микромолиялаш фаолиятининг хориж тажрибасини ўрганиш асосида “микро” атамаси таҳлил этилди, микромолиялаш ва унинг турлари аниқланиб, хусусиятлари кўрсатиб берилди. Микрокредит ташкилотининг юридик шахс сифатидаги белгилари кўрсатиб берилиб, илк маротаба “**нобанк** кредит ташкилоти” тушунчаси таҳлил этилди, микрокредит ташкилотининг нобанк кредит ташкилоти эканлиги аниқланди;

- микромолиялаш фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонунлари ўртасидаги номуносабатлик аниқланди, таклифлар киритилди;

- микрокредит ташкилотларининг ташкилий ҳуқуқий жиҳатларига оид илмий адабиётлар ва қонунчилик таҳлил қилиниб, микрокредит ташкилотларини ташкил этишнинг босқичлари аниқланиб ўзига хос жиҳатлари мисоллар билан кўрсатиб берилди;

- фуқаролик муомаласида микромолиялаш хизматларининг ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилиб, микромолиялаш хизматларига таъриф берилди;

- микрокредит ташкилотларининг хизмат кўрсатиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси аниқланди ҳамда “Микрокредитбанк”дан фарқли жиҳатлари кўрсатилди;

- микромолиялаш фаолиятига оид хорижий мамлакатлари қонунчилигини таҳлилларига асосан “микрокредит хизматлар кўрсатиш сирини”га оид нормалар ишлаб чиқиш таклифи киритилди.

БМИнинг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки боб,бешта банд, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат

I-БОБ. МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Микрокредит ташкилотлари микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс сифатида

Бозор муносабатлари шароитида субъектларнинг фуқаролик муомаласидаги фаол иштироки ҳар бир мамлакат иқтисодий ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади. Субъектларнинг фуқаролик муомаласида фаол иштирок этишида хизмат кўрсатиш муносабатларининг салмоғи ортиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Янгидан-янги иқтисодий муносабатларнинг вужудга келиш натижасида хизмат кўрсатиш турлари ва усуллари кенгайиб бораётганлиги ҳозирги кунда уларни изчил ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш турлари ранг-барангдир. Ушбу хизмат турлари мутахассислар томонидан хизмат кўрсатувчининг фаолиятига қараб қуйидагича бўлинади:

Биринчидан, хизмат кўрсатиш шартномасининг фактик тусдалиги (багаж ва юк ташиш, омонат сақлаш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш);

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш шартномасининг юридик тусдалиги (топширик шартномаси, воситачилик);

Учинчидан, хизмат кўрсатиш шартномасининг юридик ҳамда фактик туси (транспорт экспедицияси, мол-мулкни ишончли бошқариш);

Тўртинчидан, хизмат кўрсатиш шартномаси молия кредитли тусдалиги (қарз ва кредит, факторинг, банк омонати, банк ҳисобварағи ҳамда суғурта)¹.

Шу ўринда, хизмат кўрсатишнинг санаб ўтилган барча турлари фуқаролик муомаласи учун ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, молиявий хизматлар, хусусан, микромолиявий хизмат ва уларни амалга оширувчи кредит ташкилотлар, уларнинг турлари, шунингдек, улар тизимида микрокредит ташкилотларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми хусусида фикр юритсак.

Микромолиялаш бу кам даромадли одамларга микробизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида молиявий маблағлардан фойдаланиш имконини бериш жараёнидир².

Микромолиялаш кенг тушунча бўлиб, ўз таркибига микрокредит, микролизинг, микроқарз каби хизматларни, шунингдек, микросуғуртани ҳам қамраб олади. Микромолиялашнинг энг асосий таркибий қисми бу микрокредитлаш ҳисобланади.

¹ Гражданское право. Учебник. Часть II./ Под. Ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого.-М.: Проспект, 1998.-С.564 .

² Ўзбекистонда микромолиялашни ривожлантириш. Маъруза. ИТМ. –Тошкент: 2005. – Б.9.

Микрокредитлаш инглизчада “microcredit” молиявий тармоқ бўлиб, банк кредитларини олишга имконияти чекланган микротадбиркорларга кам миқдорда кредит бериш тушунилади. Ривожланган мамлакатларда микрокредитлаш тадбиркорларга ўз моддий ҳолатини яхшилашга кўмаклашиб келмоқда¹.

Микромолиялаш қонун ҳужжатларида ифодаланган молиялаш фаолиятининг турларини (микрокредит, микроқарз, микролизинг) белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада амалга ошириш ҳисобланади. Микромолиялаш таркибига, шунингдек, микрокредит, микрожамғарма, микролизинг, консалтинг хизматлари кўрсатиш, пул жўнатиш кабилар киради. Микромолиялашнинг ҳар бир тури учун максимал сумма қонун ҳужжатларида белгиланади. Масалан, микрокредит учун энг кам иш ҳақининг минг баравари, микроқарз учун энг кам иш ҳақининг юз баравари хизмат кўрсатиш максимал миқдори ҳисобланади. Бунда амалга оширилаётган молиялаш ушбу суммадан кўп бўлиши мумкин эмас. Зеро, микромолиялаш барча молия ташкилотларида ҳам амалга оширилавермайди. Бундай фаолият тури одатда микромолия ташкилотлари деб номланадиган молия ташкилоти томонидан амалга оширилиши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Микромолиялаш хизматларини амалга оширувчи микромолиявий ташкилотларнинг ўзига хос хусусияти, микромолиялашни фақат бир турдаги кредит ташкилоти эмас, балки банк ҳамда нобанк кредит ташкилотлар амалга ошириши мумкинлигидадир. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин.

Микромолиялаш хизматини хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги кунга келиб микромолиявий ташкилотлар вазифаси, ташкилий тузилиши, бошқарув усули, хизмат кўрсатиш усули ҳамда молиялашнинг мақсади кабилар билан аҳамият касб этмоқда. Жаҳон банкининг баҳолари микромолиялашнинг ҳозирги молиявий хизматлар бозоридаги ролини тасдиқлаб, дунё бўйича ривожланаётган мамлакатлардаги 500 млн.дан ортиқ камбағал одамларга хизмат кўрсатадиган 10000 та микромолиявий институтлар мавжудлиги таъкидламоқда.

Буни Иқтисодий Тадқиқотлар Маркази маърузалари таҳлилида кўриш мумкин: Мозамбикда халқаро донор ташкилотлар кўмаги ҳамда акционерлик компаниялари қишлоқ аҳолисига микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан, Малида қишлоқ жамғарма ва кредит ташкилотлари қишлоқларга коммунал хизматларда микромолиялаш хизматларини кўрсатади. Боливия, Ҳиндистонда нобанк молиявий воситачи Share Microfin Limited тижорат ташкилоти камбағаллик чегарасидан пастда яшаётган аёллар учун хизмат кўрсатадилар. Чилида Banco del Desarello хусусий тижорат банкининг микромолиявий филиаллари орқали амалга оширилади. Филиппин ва Камбоджада иқтисодий ривожланиш агентликлари ассоциацияси донорлар ёрдамида банкка айлантирилиб, микромолиялаш хизматлари шулар орқали амалга оширилиб

¹ <http://ru.wikipedia.org>.

келинмоқда. Мўғулистон, Бразилия, Грузия, Босния-Герцеговина каби давлатларда махсус ташкил этилган “Микрокредитбанк” микромолиялаш хизматларини кўрсатади¹.

Микромолиялашни баъзи йирик халқаро ташкилотлар ҳам амалга ошириши мумкинлиги микрокредит институтларининг ўзига хос хусусиятидир.

Ўзбекистонда микромолиялаш билан 2003, 2005 йилдаги таҳлилларга кўра тижорат банклар, жамғарма кредит уюшмалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, шунингдек, бюджетдан ташқари (Дехқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш фонди, иш билан бандликка кўмаклашувчи давлат фонди) ва халқаро молия институтларининг (ЕТТБ, ОТБ ва бошқаларнинг²) кредит линиялари шуғулланган. Банклар микромолиялашда етакчилик қилиб, микрокредитлар умумий ҳажмининг 80%дан кўпроғи улар ҳиссасига тўғри келган³.

Юқоридаги таҳлиллар асосида микромолиялаш хизматларини кўрсатувчи ташкилотларни шартли равишда икки турга ажратишимиз мумкин:

1. Банклар; 2. Нобанк кредит ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасига мувофиқ, банк тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир: юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш; тўловларни амалга ошириш.

Нобанк кредит ташкилоти деган тушунча Ўзбекистон қонунчилиги учун янги тушунчалардан биридир. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилги “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунда ҳам кредит ташкилотлари ва нобанк кредит ташкилотларига оид бирор норма мавжуд эмас. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг 2007 йил 21 июлдаги 20/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари”да илк нобанк кредит ташкилотлар деган тушунча қўлланилган⁴.

Иқтисодиётчи Д.А.Таджибаева кредитлашда “нобанк молия институтлари” деган тушунчани келтириб ўтади ва бу тушунча бевосита биз таҳлил этаётган нобанк кредит ташкилотлари тушунчаси билан бир хилдир. Шунингдек, тадқиқотчи микрокредит ташкилотларини шартли равишда икки турга ажратади⁵:

1. Микрокредитлашни бевосита амалга оширувчи ташкилотлар;
2. Микромолиялашда техник ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар.

¹ Батафсил қаранг: Ўзбекистонда микромолиялашни ривожлантириш. Маъруза. ИТМ. –Тошкент: 2005. –Б.81-89.

² Бу ҳақда қаранг: Матмуродов Ф. Ўзбекистонда хорижий кредит линиялари.// Банк, пул, кредит. 2000. -№8. –Б. 23.; Ёқубжонов А. Микрокредитлаш: ЕТТБ дастури.// Банк, пул, кредит. 2002. -№ 7. –Б. 33-34.

³ Ўзбекистонда микромолиялашни ривожлантириш. Маъруза. ИТМ. –Тошкент: 2005. – Б.14.

⁴ Батафсил қаранг: “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007., 39-сон, 405-модда.

⁵ Таджибаева Д.А. Микрокредитование в системе кредитных отношений. Дис... канд.экон.наук.08.00.01. МВ и ССОПУз, Ташк.гос.экон.ун-т.-Ташкент: 2004. –С.6-7.

В.Н.Додонов, Е.В.Каминская, О.Г.Румянцев, А.Б.Барихинлар¹ томонидан тайёрланган энциклопедик луғатларда кредит ташкилотига таъриф берилган ва уларда нобанк кредит ташкилоти тушунчаси келтириб ўтилади. Бунинг асосий сабаби Россия қонунчилигида (“О Банках и банковской деятельности” 1996) кредит ташкилотлари банк ва нобанк кредит ташкилотларига ажратилганлигини кўриш мумкин.

В.М.Юровицкий фикрига кўра,² банкларнинг нобанк кредит ташкилотларидан фарқи иқтисодий назарияга асосланади. Ушбу назария молиявий шахс деган шартли тушунча билан боғлиқ. Молиявий шахс бу пулни тасарруф этувчи шахс. Банк фақат молиявий шахсларга хизмат кўрсатади. Молиявий шахс банк мижози бўлиб, пулни тасарруф этишга тўла ҳақлидир. Банкдан фарқли ўлароқ нобанк кредит ташкилотлар ўз мижозларини молиявий шахс ташкил этмаган ҳолда хизмат кўрсатадилар. Яъни мулкдор сармояни, сармоя эгаси ўз пулларини тасарруф этиш ҳуқуқини ташкилотнинг фойдаси эвазига топширади ва шу вақтдан бошлаб сармояни тасарруф этиш ҳуқуқини йўқотади, бунда мулкдор сармоялардан ташкилот ҳисобида ҳисоб-китоб қила олмайди, бунинг учун у уларни ташкилотнинг эгалик доирасидан чиқариб олиши лозим. Нобанк кредит ташкилотлари банк билан муносабат ўрнатган ҳолда ўзи ҳам молиявий шахсга айланади. Ўз навбатида, нобанк кредит ташкилотлари ўз клиентларига нисбатан банкларга тегишли бўлган ҳисоб-китоб хизматларини амалга ошира олмайдилар.

Одатда иқтисодий назарияда банк пул воситаси ҳаракатида воситачи ҳисобланади. Банк “кредит ёрдамида сармоя ишлаб чиқариш, пул олди-бердиси, ёки бой берилган сармояни ишлаб чиқариш, пул олди - бердиси ёки бой берилган сармояни ҳисоб-китоблар воситасида коплаш ўрнини эгалловчи ҳаракатдаги капитални фойдаланиш учун бериш”да акс этувчи фаолиятни амалга оширади. Иқтисодчи Лифман банк пул капиталини фойдаланиш учун тақдим этадиган ва уни сақлаш, йиғиш бўйича тижорат тармоғидир, яъни банк пул капитали билан тижорат қилади³, -деб ҳисоблайди. М.Сперанский ўзининг “Плане финансов” номли 1810 йилги асарида⁴ банкларнинг аҳамиятини фойдали пул курсини таъминлашда кўради. Ҳозирги вақтда илмий адабиётлар ҳамда қонунчиликни умумлаштириб айтиш мумкинки, банк уч функцияни амалга оширувчи ташкилот сифатида намоён бўлади: омонатларни жалб этиш, жалб этилган маблағларни ўз номида, ўз ҳисобига жойлаштириш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

¹ В.Н. Додонов, Е.В. Каминская, О.Г. Румянцев Словарь гражданского права. -М.: Инфра- М., 1997. –С.130.; Барихин А.Б. Экономика и право. Энциклопедический словарь. –М.: Книжный мир, 2000, -С.928.

² Юровицкий В.М. Банки и небанковские финансовые учреждения.//Банковское дело. 1994. -№5.-С.12.

³ Агарков М.М. Основы банковского права. Курс лекций. Издание 2-е. Учение о ценных бумагах. Научное исследование. Издание 2-е. -М.: Издательство БЕК, 1994. –С. 6.

⁴ Боровой С.Я. Кредит и банки России. Гос финиздат.- М.: 1958. – С.141.

“Банковское дело” ўқув қўлланмасида¹ банкнинг қуйидаги асосий функциялари санаб ўтилади:

- 1) пул воситаларини қайта тақсимлаш йўли билан амалга ошириладиган кредитда воситачи;
- 2) алоҳида иқтисод субъектлари ўртасидаги ҳисоб китобларда воситачилик;
- 3) йиғимларни мувофиқлаштириш;
- 4) қимматбаҳо қоғозлар операцияларида воситачилик.

Бу функциялар фақат банкларни ўзигагина хос бўлган махсус функция бўлиб, тўлов айланмаларига кўмаклашиш ҳисобланади. Ушбу функцияни иқтисодий маъносини қайта баҳолаш қийин, банк тўлов айланмаларига кўмаклашар экан, ҳисоб-китоблар ташкилотчисига хос хусусиятларни қўлга киритади.

Алоҳида банк операциялари мустақил фаолиятни кўринишни вужудга келтиради. Барча банк операциялари ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб, уларнинг йиғиндиси “тўлов воситаларини муомалага киритилиши ва чиқарилиши”ни вужудга келтиради². Бу банкларнинг иқтисодий хусусиятлари бўлиб, банкни иқтисодиётни тўлов воситалари билан таъминловчи ташкилот сифатида ўрганишга имкон беради, ҳамда банкни нобанк кредит ташкилотлардан фарқлайди. Ўз навбатида таъкидлаб ўтиш мумкинки, биринчидан, нобанк кредит ташкилотларини банк деб аташга асос йўқ, иккинчидан, шу нарса аниқ бўлиб қолмоқдаки, нобанк кредит ташкилотларига уларнинг туридан қатъи назар банк сифатида қараш учун банк томонидан амалга ошириладиган функцияларнинг тўлиқ намоён бўлмаётгани етишмаяпти.

“Нобанк” атамаси билан боғлиқ тушунчаларда назариячилар қуйидаги фикрларни билдирадилар. С.Ю.Кравцовани фикрига кўра, “ушбу атама мазмуни бўйича мос эмас ва шунинг учун “бошқа кредит ташкилотлар” деган атама билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди³. А.Е.Шерстобитовнинг фикрига кўра, “бошқа кредит ташкилотлар” атамаси “нобанк кредит ташкилотлар” ўрнига мақбулроқ бўлиб, нобанк кредит ташкилотлар кредит ташкилоти сифатида, алоҳида банк операцияларини амалга ошириш нуқтаи назаридан мантиқсиздир”⁴.

- а) Ўзбекистонда микрокредит ташкилотлари Марказий Банк лицензияси асосида фаолият олиб борадилар.

Нобанк кредит ташкилоти фақат қонунда белгиланган алоҳида банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга баъзи банк операцияларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ўрнатилади.

¹ Банковское дело. Учебное пособие в 2-х частях. Ч.1. /Под редакцией В.И.Колесникова. –Санкт-Петербург: 1993. – 5 с.

² Ямпольский М.М. Особенности деятельности коммерческого банка. //Деньги и кредит. 1994. -№ 2. -С. 34.

³ Кравцова С.Ю.Правовой режим уставного капитала банка. –М.: Дело, 1999. –С. 22.

⁴ Шерстобитов А.Е.Правовое положение банков и иных кредитных организаций// Правовое регулирование банковской деятельности./ Подред. Е.А. Суханова. -М.: Юринформ, 1997. – С.16.

Айнан шу иккинчи хусусият, яъни нобанк кредит ташкилотларни фақат алоҳида турдаги банк операцияларини амалга оширилиши нобанк кредит ташкилотларни банклардан фарқини кўрсатиб беради. Банклар кўрсатилган турли хилдаги банк операцияларини амалга оширишга ҳақлидирлар, нобанк кредит ташкилотлар эса фақат уларнинг айрим турларинигина амалга оширишлари мумкин. Нобанк кредит ташкилотлар ўз операцияларини амалга оширишда банкларга таянадилар. Бу уларнинг банкларда ҳисоб рақамини очишларида, касса операциялари орқали пул воситаларини олиб ўтишларида намоён бўлади¹.

Тадқиқотимизнинг объекти ҳисобланмиш микрокредит ташкилотлар юқоридаги кредит ташкилотларига берилган хусусиятларни жамлайди, шунингдек, нобанк кредит ташкилоти мақомига эга бўлиб, қуйидаги таҳлиллар фикримиз далилидир.

ФКнинг 39-моддасига асосан, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Ушбу таърифдан шу нарса аёнки, ҳар қандай ташкилот эмас, балки муайян талабларга жавоб берадиган ташкилотларгина юридик шахс бўла олади.

Кўриниб турибдики, Қонун микрокредит ташкилоти муайян турдаги хизматларни кўрсатувчи юридик шахс эканлигини назарда тутаяди, лекин унинг юридик шахс сифатидаги моҳиятини ифода этмайди. Агар ФКда юридик шахсларнинг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шаклларида берилган таърифларга эътибор қаратилса, уларни ташкил этиш асоси ва мақсадидан келиб чиқиб, таъриф берилганлигини кўриш мумкин ва айнан ушбу ҳолатидан қонун чиқарувчи юридик шахсларнинг муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилайди.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, юридик шахсларнинг турлари таъсисчиларнинг ҳуқуқ лаёқати ва уларнинг юридик шахс мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқлари, юридик шахснинг фаолият мақсадлари, унинг ушбу фаолияти мулкнинг қайси шаклига асосан юритилишига қараб бир-биридан ажратилади².

Шу билан бирга ФК юридик шахсни тижорат ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларга бўлади, лекин бир турдаги фаолиятни фақат тижоратчи ташкилотлар ва иккинчи турдаги фаолиятни тижоратчи бўлмаган ташкилотлар амалга ошириши лозимлиги белгиламайди. И.Б.Зокировнинг фикрича, қонун ҳужжатларига мувофиқ тижоратчи юридик шахслар ҳам нотижорат юридик шахслар ҳам тадбиркорлик (фойда олишга қаратилган фаолият) фаолияти

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 21 июлдаги 20/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари”// “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007., 39-сон, 405-модда.

² Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –Б. 86.

билан шуғулланишлари мумкин, лекин бунда, тижоратчи юридик шахслардан фарқ қилиб нотижорат юридик шахслар ўз тадбиркорлик фаолиятларидан олган фойдани фақат аъзоларининг эҳтиёжини қондириш ёки ўзга муштарак мақсадни амалга ошириш учун ишлатадилар¹. Шу сабабли микрокредит ташкилоти қонундан келиб чиқиб, юридик шахсларнинг қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклида ташкил этилишидан қатъи-назар фойда олишга қаратилган ўз фаолиятини юритишга ҳақли бўлади. Бунда микрокредит ташкилотининг қонунда таъқиқланмаган ташкилий-ҳуқуқий шакли танланади ва унинг тижоратчи ёки тижоратчи бўлмаган юридик шахслик ҳолати аҳамиятга эга бўлмайди.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, микрокредит ташкилотини юридик шахсларнинг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакли эмас, деган ҳулосага келиши мумкин. Шу сабабли ушбу тадқиқотда микрокредит ташкилотини юридик шахснинг бир нечта (ўнга яқин) ташкилий-ҳуқуқий шакли (АЖ, МЧЖ, Тўлиқ ширкат, Коммандит ширкати, Ишлаб чиқариш кооперативи, Матлубот кооперативи, ижтимоий фондлар ва шу кабилар) да тузилиши мумкинлигидан келиб чиқиб, биз фақатгина унинг юридик шахснинг умумий белгилари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, - деб ҳисоблаймиз,

Ташкилот юридик шахс бўлиши учун қуйидаги хусусиятларни ўзида мужассам этиши лозим².

- 1) ташкилий бирлик;
- 2) мулкый мустақиллик;
- 3) мустақил мулкый жавобгарлик;
- 4) фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш.

Кўриниб турибдики, микрокредит ташкилоти ҳам юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахс сифатида микрокредит ташкилоти фойда олишни кўзлаб фаолият олиб боради. Зеро, у томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳар доим ҳақ эвазига амалга оширилади. Масалан, ФКнинг 744-моддасига мувофиқ, қарз олувчи олинган кредит суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Олинган фоиз эса ўз-ўзидан микрокредит ташкилоти оладиган фойда ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан микрокредит ташкилотини тижоратчи юридик шахслар туркумига киритиш мумкин.

И.Б.Зокировнинг фикрича, ташкилий бирлик – бу юридик шахснинг ҳуқуқ субъекти сифатида ташкил бўлганлигини, ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқарув органлари ва бўлинмалари орқали муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлигини билдиради³. Шу маънода микрокредит ташкилотларининг ташкилий бирлиги қонунда белгиланганидек, унинг устави билан белгиланади.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм.-Тошкент: ТДЮИ, 2009.-Б.186.

² Гражданское право. Учебник. Часть II/ Под. Ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого.-М.: Проспект, 1998. – С.107-109.

³ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм.-Тошкент: ТДЮИ, 2009.-Б.166.

Кўриниб турибдики, микрокредит ташкилотлари қонунда назарда тутилмаган фаолият билан бевосита шуғулланиши мумкин эмас. Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади (ФКнинг 41-моддаси, 3-банди). Микрокредит ташкилотларининг ҳуқуқий лаёқати махсус ҳуқуқ лаёқат эканлигини назарда тутуди ва микрокредит ташкилотлари фаолият йўналиши ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзига хослигини англатади. Бундай ўзига хослик микрокредит ташкилотлари фаолият доирасининг қатъий белгиланганлиги ҳамда фақат муайян соҳага йўналтирилганлиги билан белгиланади. Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкинлиги билан ҳам белгиланади.

“Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасига мувофиқ, микрокредит ташкилоти микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятини лицензия олганидан кейин амалга оширади. Микрокредит ташкилотига лицензия бериш тўғрисидаги ёки лицензия беришни асослантирилган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинган ва лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз календарь кун ичида қабул қилинади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, микрокредит ташкилотлари мамлакатимизда иқтисодий муносабатлар ривожига ўзига хос ўринга эга бўлади. Зеро, микрокредитлар бериш орқали кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш, фуқароларнинг истеъмол товарларини сотиб олишларида кўмаклашиш мумкин. Микрокредит чалғишга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган, такрорлайдиган бўлса, у ҳолда рўйхатга олиш ҳақидаги ариза, талабнома рад этилади ва бошқача фирма номи белгилаш ҳақида таклиф қилинади. Бир хилда фирма номини олишга бир неча юридик шахс талабнома берган ҳолда олдинроқ талабнома берган ёки бу номдан энг узоқ муддат давомида фойдаланиб келаётган юридик шахс имтиёзга эга бўлади.

Микрокредит ташкилоти юридик шахс сифатида фирма номи ва муҳрига эга. Қонуннинг 7-моддасига кўра, микрокредит ташкилотининг фирма номида “микрокредит ташкилоти” сўз бирикмаси ифодаланиши ва мазкур ном бошқа микрокредит ташкилотларининг фирма номига ўхшаш бўлмаслиги керак. Ушбу қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида "микрокредит ташкилоти" сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Микрокредит ташкилоти ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган муҳрига эга бўлиши керак. Муҳрда айна вақтнинг ўзида фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин. Микрокредит ташкилоти ўз номи ёзилган штампларга, бланкаларга ва ўз эмблемасига эга бўлишга ҳақлидир. Микрокредит ташкилоти у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазибаларини ёки вазибаларининг бир

қисмини, шу жумладан, ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмаси сифатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ҳақли. “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасида микрокредит ташкилоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ҳақли. Микрокредит ташкилотининг филиали ўз фаолиятини микрокредит ташкилоти учун берилган лицензия асосида амалга оширади.

ФКнинг 1099-моддасида белгиланган қоидага асосан, юридик шахснинг номидан у ишлаб чиқарган товар, бажарган иш, кўрсатган хизмат белгисида фойдаланишга йўл қўйилади.

Юридик шахс товарларга, уларнинг идиши ва ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисоб варақалари, босма нашрлар, расмий бланкларда ва ш.к. фирма номидан, товар (хизмат) белгисида фойдаланишга ҳақлидир¹.

Мазкур қоидалар микрокредит ташкилотларига ҳам тааллуқлидир. Юридик шахс сифатида микрокредит ташкилоти ҳам таъсис ҳужжатлари асосида фаолият олиб боради. Микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжати сифатида устав, таъсис этиш шартномаси ва таъсис этиш қарори тузилади. Микрокредит ташкилотларининг таъсис ҳужжатларида ФКнинг 43-моддасида юридик шахсларнинг барча турлари учун кўзда тутилган қоидалар ҳамда микрокредит ташкилоти ташкил этилаётган ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида таъсис ҳужжатларига нисбатан белгиланган қоидалар билан бирга қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият тўғрисидаги;
- бошқарув органларининг тузилиши ва ваколатлари тўғрисидаги;
- микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларни шакллантириш манбалари тўғрисидаги;
- микрокредит ташкилотида аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги.

Микрокредит ташкилотининг устав фонди пул маблағларидан, шунингдек, мазкур ташкилот устав фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган бошқа мол-мулкдан шакллантирилади. Унинг устав фондиди шакллантиришда кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Микрокредит ташкилоти устав фондининг энг кам миқдори лицензия олиш учун мурожаат қилинган қонунга қадар фақат пул маблағларидан шакллантирилган бўлиши керак.

ФКнинг 44-моддаси, 4-бандига асосан юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг

¹ Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Тошкент: ТДЮИ, 2004 – Б.151-152.

8-моддасига мувофиқ, микрокредит ташкилотлари конун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Юридик шахс ўз устави ёки низоми асосида ҳаракат қилади. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати, унинг устави ёки низоми тасдиқланган пайтдан бошлаб ёхуд тегишли ваколатли идора ушбу юридик шахсни ташкил этиш ҳақидаги қарор чиқаргандан кейин вужудга келади.

Микрокредит ташкилоти фаолиятининг муҳим масалаларидан бири, бу ташкилотни қайта ташкил этиш ва уни тугатишдир. Қайд этиш лозимки, ҳар иккала ҳолатда ҳам микрокредит ташкилотининг фаолияти бекор бўлади. Лекин, бу ўринда фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. Маълумки, қайта ташкил этиш - бу аввалги ташкилотга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа ташкилотга ўтказилган ҳолда унинг фаолиятини бекор қилинишидир. Бундай ҳолларда ташкилотнинг ташкилий тузилиши, ташкилот мулки, ҳуқуқ ва муомала лаёқати, фирма номи ва бошқалар янги ташкил топган ҳуқуқ субъектига ўтади¹.

Ташкилотни тугатиш - янги ташкилот тузмаган ҳамда ҳуқуқий ворислик тартибида ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа ташкилотга ўтказмаган ҳолда фаолиятини тугатиш демакдир. Бундай ҳолларда тугатилаётган ташкилотнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар умуман бекор бўлади².

Юқоридагилардан келиб чиқиб, микрокредит ташкилотларининг юридик шахс сифатида қуйидаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- микрокредит ташкилотларининг ҳуқуқ лаёқати - муайян соҳага йўналтирилган, қатъий чекланган ва фаолият чегаралари белгиланган махсус лаёқатдир;

- юридик шахсларнинг ташкил топиши ва фаолияти улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг амал қилиши қондаси микрокредит ташкилотларида тўлиқ амал қилмайди, бинобарин, микрокредит ташкилотларининг давлат рўйхатидан ўтгандан кейин ташкил топган, - деб ҳисобланса, фаолияти улар белгиланган тартибда лицензия олгандан кейин бошланади;

- микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар суммаси ва ҳажмига нисбатан аниқ ва қатъий чегарада белгиланади.

1.2. Микрокредит ташкилотларининг ташкилий - ҳуқуқий жиҳатлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган микрокредит ташкилотлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий сайтида келтирилган бўлиб, унда микрокредит ташкилотининг номи, манзили, ташкил этилган сана, лицензия рақами

¹ Гражданское право. Учебник. Часть II/ Под. Ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого.-М.: Проспект, 1998. –С.120-122.

² Нуридинова Ш. Юридик шахсларнинг бекор бўлиш усуллари.-Тошкент:ТДЮИ, 2007.-Б.43.

берилиб, ушбу маълумотга кўра 2009 август ҳолати бўйича Республикамизда 28 та микрокредит ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг амалиётда кенг фойдаланилаётган ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатиш мақсадида номларини келтиришни жоиз деб топдик. Мисол учун, "ЕНТИРОМ PLUS микрокредит ташкилоти" масъулияти чекланган жамияти, "Имкон Экспресс Инвест микрокредит ташкилоти" масъулияти чекланган жамияти ва ҳ.к.¹.

Юқоридаги бобларда таъкидлаб ўтилганидек, микромолиявий хизматларни қонунчиликда белгиланган тартибда банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар амалга ошириши рухсат этилган. Микрокредит ташкилотлари бу тизимда ҳам ўз нуфузи ва ўрнини топиб келмоқда. Бу ҳақда Л.Абдуазимова таъкидлашча²: "Айни пайтда Ўзбекистонда микромолиялаш фаолиятини нотижорат ташкилотлар, ваколатхоналар, ассоциация ва шунга ўхшаш шаклдаги ташкилотлар амалга оширмоқдаки, улар микрокредит ташкилотларга қўйиладиган талабларга у қадар жавоб бермайди. Шу жиҳатдан ҳам юридик шахсинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ўрганиш зарурати туғилади. Экспертларнинг фикрига кўра, микрокредит ташкилотларини ташкил этиш учун энг мақбул шакл очик акциядорлик жамияти, ёпиқ акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятни бошқариш назорат қилиш механизм, хусусан, давлат органлари томонидан қўшимча назорат ҳамда очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятларида ҳисобот тартибининг мураккаблиги бу ҳуқуқий шаклни афзал қилади. Микрокредит ташкилотлар амалга оширувчи фаолият янги фаолият бўлиб, уларнинг ташкил топиши Республика молия тизими имкониятлари кенгаймоқда. Микрокредит ташкилотлари тижорат ташкилотидир. Кредит уюшмаларидан фарқи уларда аъзолар пайларга эга бўлиб ва ўзлари кредит олувчи мижоз ҳисоблансалар, микрокредит ташкилотлар ўз хизматларини барча учун тақдим этади".

¹ Қаранг: http://www.cbu.uz/uz/cred_org/cred_micro.htm. "SABR mikroredit tashkiloti" ШК, "KAPITAL PLUS mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "KAFOLATLI SARMOYA mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "KONSTANTA KAPITAL mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "ТАДБИРКОР ИНВЕСТ микрокредит ташкилоти" масъулияти чекланган жамияти, "АЛ БАРОТ микрокредит ташкилоти" масъулияти чекланган жамияти, "BARAKAT микрокредит ташкилоти" масъулияти чекланган жамияти, "VAKIL mikroredit tashkiloti" масъулияти, "ZAMON mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "RENESANS mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "NAJOT FAIZ NUKUS mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "Oltin Yulduz Plus mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "GARANT INVEST mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "SARMOYA SARDOR mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "KUMUSH YELKAN mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "TEZKOR BISIYOR KREDIT mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "Fovarit invest mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "Baror Biznes mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "Alfa mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "HILOLA INVEST KAPITAL mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "Biznes express mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "NO'KIS SVETA mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "TRAST-INVEST mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, BV FINANS INVEST mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, "YENGIL KREDIT mikroredit tashkiloti" масъулияти чекланган жамияти, «Delta mikroredit tashkiloti» масъулияти чекланган жамияти.

² Абдуазимова Л. "Микрокредитные организации: правовые основы создания и налогообложения" // Бозор, пул ва кредит. 2007. № 6. –Б.35.

Микрокредит ташкилотларини ташкил этиш узок ташкилий жараён ҳисобланади. Микрокредит ташкилотини ташкил этишда кўплаб муҳим масалалар ҳал этилади ва унда микрокредит ташкилотининг келажақдаги фаолияти аниқланади. Микрокредит ташкилотини ташкил этиш тартиби қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Уларга биринчи навбатда Фуқаролик Кодекси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Микромолиялаш тўғрисида”ги, “Микрокредит ташкилотлар тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар киради.

Фуқаролик Кодекси юридик шахсинг шакли ва турига тегишли бўлган умумий масалаларни белгилайди. Микрокредит ташкилотларга қўлланиладиган махсус талаблар “Микромолиялаш тўғрисида”ги ва “Микрокредит ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда белгиланган. Улардан бири, микрокредит ташкилотлари юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкинлиги, аммо давлат органлари, сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари ва диний ташкилотлар томонидан ташкил этилиши мумкин эмаслиги белгиланган¹.

МДХ давлатлари қонунчилигида, жумладан, Қозоғистон Республикасининг 2003 йил 6 мартдаги “Микрокредит ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни²нинг 9-моддасига асосан тижоратчи микрокредит ташкилоти хўжалик ширкати шаклида тузилиши, нотижорат микрокредит ташкилоти ижтимоий фонд шаклида тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида эса юқорида келтириб ўтилган қонун талабига асосан бундай чеклов мавжуд эмас бўлиб, қонунчилик микрокредит ташкилотларини тижоратчи ва нотижорат турларга бўлмайди. Фақатгина уларни давлат органлари, сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари ва диний ташкилотлар томонидан ташкил этилишини чеклайди. Демак, Ўзбекистон Республикасида микрокредит ташкилотлар тижоратчи юридик шахс ҳисобланади. Аммо, таъкидлаш жоизки, 2006 йилдаги “Микрокредит ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилингунга қадар Ўзбекистонда нодавлат нотижорат микромолиявий ташкилотлар фаолият олиб борган. 2005 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 14 та нодавлат нотижорат микромолиявий ташкилотлар иш юритган³. Ҳозирда ҳам айрим нотижорат ташкилотларнинг фаолияти кузатилади, аммо уларга микрокредит ташкилоти мақоми берилмаган⁴.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки микрокредит ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, фаолиятни юритишига раҳбарлик қилади.

¹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006., 37-38-сон, 372-модда.

² <http://biz.kostanay.info/brochures/nko/zakon/>

³ Ўзбекистонда микромолиялашни ривожлантириш. Маъруза. ИТМ. –Тошкент: 2005. –Б. 18.

⁴ Развитие микрофинансирования в Узбекистане. Техническая записка. Документ Всемирного банка.- Тошкент:2007. –Б.87.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги қонунининг 50-моддаси билан¹, Марказий Банкнинг молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солиши ҳамда назорат қилишини, шунингдек, Марказий Банкнинг банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олиши, банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беришини, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, гаровхоналар фаолиятини ва қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялашини белгилайди. Марказий Банк томонидан микрокредит ташкилотларига лицензиялар бериш ҳақ эвазига, Марказий Банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши ҳамда Марказий Банкнинг банкларни давлат рўйхатига олиш дафтари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, гаровхоналарга ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга берилган лицензиялар реестрини юритиши ҳақидаги тартибни белгилайди. Ушбу қоидадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялашга оид муносабатларини тартибга солишда Марказий Банк томонидан ишлаб чиқилган қонуности меъёрий ҳужжатлар асосий ўрин тугади ҳамда микрокредит ташкилоти Марказий Банк белгилаган талабларга риоя этиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси 2006 йил 20 сентябрдаги “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг² 8-моддасига асосан микрокредит ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Микрокредит ташкилотини ташкил этиш Фуқаролик Кодексига белгиланган юридик шахсни ташкил этишнинг умумий қоидалари қўлланилади. Фуқаролик Кодексининг 4-бобидаги юридик шахсларга белгиланган қоидалар, яъни юридик шахснинг вужудга келиши, юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, юридик шахсларни органлари, юридик шахснинг номи, жойлашган ери юридик шахснинг қайта ташкил этиш, юридик шахсни тугатиш каби тартиби микрокредит ташкилотини ташкил этиш, тугатиш ва қайта ташкил этишда умумий асос бўлиб ҳисобланади. Микрокредит ташкилотини ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, тугатиш, лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тизимидаги бир нечта меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, микрокредит ташкилоти учун тадбиркорлик фаолияти субъекти мақоми остида давлат рўйхатидан ўтказилади. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатидан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357-сонли Қарори ҳамда “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга

¹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006, 37-38-сон, 373-модда.

² "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006., 37-38-сон, 372-модда.

қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида¹ги Низоми микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди. Назарияда юридик шахсни вужудга келиши ва ташкил этилишини анъанавий уч тартибини ажратадилар². Фармойиш, рухсат олиш тартиби, норматив қатнашиш тартиби. Уларга кўра кредит ташкилотларини ташкил этиш рухсат олиш тартибида амалга оширилиши ҳақида фикр мавжуд.

Микрокредит ташкилотини ташкил этишни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаби асосида уч босқичга ажратиш мумкин, ҳар бир босқич ўз мақсад ва вазифасига эга бўлиб, микрокредит ташкилотининг қандай ҳуқуқий шаклда тузилиши билан ҳам боғлиқдир.

Биринчи босқич – микрокредит ташкилотини таъсис этиш;

Иккинчи босқич – микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш;

Учинчи босқич – микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш.

Микрокредит ташкилотини ташкил этишнинг биринчи босқичи қуйидаги ҳаракатларни бажаришни талаб этади:

а) таъсисчиларни доирасини аниқлаш;

б) микрокредит ташкилотларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

с) устав фондига таъсисчиларнинг маблағлари ва уларнинг миқдори тўғрисида қарор қабул қилиш;

д) таъсис ҳужжатларини тайёрлаш ва лицензиялаш, давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни тўплаш.

Микрокредит ташкилотларини таъсис этиш тўғрисидаги қарор микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун муҳим босқич ҳисобланади. Микрокредит ташкилоти маъсулияти чекланган жамияти ёки акциядорлик жамияти (очиқ ёки ёпиқ) шаклларида тузилиши мумкин. Қонунда ҳар қандай шаклга рухсат берилган. Шу асосларда таъсис этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш микрокредит ташкилотлари таъсисчиларининг ташкилотни ташкилий- ҳуқуқий шакллари танлаган туридан келиб чиқиб белгиланади. Таъсисчилар қуйидаги масалалар юзасидан қарор қабул қилишлари зарур. “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг³ 5-моддасига асосан, микрокредит ташкилоти таъсис ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади. Микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатларида муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларга қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

¹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003., 15-16-сон, 130-модда.

² Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.86.; Гражданское право . Том.1 Учебник. Издание четвертое, переработанное и дополненное./Под ред. А.П.Сергеева. Ю.К.Толстого.-М.: Проспект, 1999. –С.136-137.

³ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006., 37-38-сон, 372-модда.

- микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият тўғрисидаги;
- бошқарув органларининг тузилиши ва ваколатлари тўғрисидаги;
- микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларни шакллантириш манбалари тўғрисидаги;
- микрокредит ташкилотида аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги.

Микрокредит ташкилотининг устав фонди пул маблағларидан, шунингдек, мазкур ташкилот устав фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган бошқа мол-мулкдан шакллантирилади. Микрокредит ташкилотининг устав фондиди шакллантиришда кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Микрокредит ташкилоти устав фондидининг энг кам миқдори лицензия олиш учун мурожаат қилинган кунга қадар фақат пул маблағларидан шакллантирилган бўлиши керак.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги микрокредит ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни¹га мувофиқ таъсис этиладилар. Қонуннинг 2-боби жамиятни таъсис этишга оид нормаларни белгилайди. Унга мувофиқ, жамиятнинг муассислари таъсис шартномасини тузадилар ва жамият уставини тасдиқлайдилар. Жамият муассислари жамиятнинг ижро этувчи органларини сайлайдилар (тайинлайдилар), шунингдек, жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) пулсиз ҳиссалар қўшилган тақдирда, уларнинг пул баҳосини тасдиқлайдилар. Жамият уставини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, шунингдек, жамият муассислари киритадиган ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор муассислар томонидан бир овоздан қабул қилинади. Жамиятнинг муассислари жамиятни таъсис этиш билан боғлиқ ва уни давлат рўйхатидан ўтказишга қадар юзага келган мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўладилар. Жамият муассисларнинг уни таъсис этиш билан боғлиқ мажбуриятлари юзасидан, уларнинг ҳаракатлари кейинчалик жамият ишширокчиларининг умумий йиғилиши томонидан маъқулланган тақдирдагина жавобгар бўлади. Жамиятнинг таъсис шартномаси ва уставини жамият таъсис ҳужжатлари деб ҳисобланади. Агар жамият бир шахс томонидан таъсис этилса, шу шахс тасдиқлаган устав жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Жамият ишширокчиларининг сони икки ва ундан ортиқ кишига кўпайса, улар ўртасида таъсис шартномаси тузилиши керак. Таъсис шартномасида жамиятнинг муассислари жамиятни тузиш мажбуриятини оладилар ва уни тузиш юзасидан биргаликдаги фаолият тартибини белгилайдилар. Таъсис шартномасида қуйидагилар ҳам белгиланади:

- жамият муассисларининг (ишширокчиларининг) таркиби;

¹ Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. (Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, лицензиялаш ва тугатиш)- Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2002. –Б.51.

- жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори ва жамият ҳар бир муассиси (иштирокчиси) улушининг миқдори;

- жамият таъсис этилаётганда унинг устав фондига (устав капиталига) ҳиссаларни қўшиш тартиби, миқдори, усуллари ва муддатлари;

- ҳиссаларни қўшиш бўйича мажбуриятларини бузганлик учун жамият муассисларининг (иштирокчиларининг) жавобгарлиги;

- жамиятнинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида фойда ва зарарларни тақсимлаш шартлари ва тартиби;

- жамият органларининг таркиби ва жамият иштирокчиларининг жамиятдан чиқиш тартиби.

Жамият уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг тўлиқ ва қискартирилган фирма номи;

- жамият фаолиятининг предмети;

- жамиятнинг почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;

- жамият органларининг таркиби ва ваколатлари тўғрисидаги, шу жумладан, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кирувчи масалалар тўғрисидаги, жамият органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан, қарорлар бир овоздан ёки квалификациян кўпчилик овоз билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги маълумотлар;

- жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

- жамият ҳар бир иштирокчиси улушининг миқдори ва номинал қиймати тўғрисидаги маълумотлар;

- жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

- жамият иштирокчисининг жамиятдан чиқиш тартиби ва унинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар;

- жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушнинг (улуш бир қисмининг) бошқа шахсга ўтиши тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

- жамиятнинг ҳужжатларини сақлаш тартиби ҳамда жамият томонидан жамият иштирокчиларига ва бошқа шахсларга ахборот тақдим этиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

- жамиятнинг ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисидаги маълумотлар.

Агар микрокредит ташкилоти акциядорлик жамияти шаклида таъсис этилаётган бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 26 апрелдаги “Акциядорлик жамиятлари ва

акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида¹ги Қонуни¹га асосан таъсис этилади. Унга кўра, жамиятни таъсис этиш йўли билан тузиш муассисларнинг (муассиснинг) қарорига мувофиқ амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир шахс томонидан таъсис этилган тақдирда жамиятни таъсис этиш ҳақидаги қарорни шу шахснинг ёлғиз ўзи қабул қилади. Жамият муассислари уни тузиш тўғрисида ўзаро таъсис шартномасини имзолайдилар, шартномада уларнинг жамиятни таъсис этиш борасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартиби, жамият устав фондининг миқдори, муассислар ўртасида жойлаштирилиши керак бўлган акцияларнинг турлари, улар учун тўланадиган ҳақ миқдори ва бу ҳақни тўлаш тартиби, муассисларнинг жамиятни тузишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилади². Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор муассисларнинг овоз бериш натижаларини ҳамда жамиятни таъсис этиш, жамият уставини тасдиқлаш, жамиятни бошқариш органларини сайлаш масалалари юзасидан улар қабул қилган қарорларни акс этириши керак. Жамиятни таъсис этиш, унинг уставини тасдиқлаш тўғрисидаги ва муассис томонидан жамият акциялари ҳақини тўлаш учун топширилаётган қимматли қоғозлар, бошқа мулкӣ ҳуқуқлар ёки пул билан баҳоланадиган бошқа ҳуқуқларнинг пулда баҳоланишини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар муассислар томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Акциядорлик жамиятини тузиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмонӣ шахслар акциядорлик жамиятининг муассислари деб тан олинади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари жамият муассислари бўлиши мумкин эмас. Жамият муассислари жамият давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар унинг тузилиши билан боғлиқ мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўладилар. Жамият муассисларнинг уни тузиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлари юзасидан фақат уларнинг ҳаракатлари кейинчалик акциядорларнинг умумӣ йиғилишида маъқуланган тақдирдагина жавобгар бўлади. Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда давлат мулкени тасарруф этишга ваколатли орган унинг муассиси бўлади. Ёпиқ акциядорлик жамияти муассислари ўртасида акцияларни тақсимлаш таъсис ҳужжатида мувофиқ амалга оширилади. Таъсис йиғилиши (конференцияси):

- акциядорлик жамиятини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг уставини тасдиқлайди;
- акцияларга ортиқча обунани қабул қилади ёки рад этади. Акцияларга ортиқча обуна қабул қилинган тақдирда устав фонди тегишли равишда кўпайтирилади;
- таъсис этиш жараёнида муассислар томонидан тузилган шартномаларни тасдиқлайди;

¹ Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. (Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, лицензиялаш ва тугатиш)- Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2002.

² Раҳмонқулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ.-Тошкент: ТДЮИ, 2007.-Б.121.

- чиқарилаётган акциялар турларини ҳамда уларнинг сонини белгилайди; жамиятнинг кузатув кенгашини, тафтиш комиссиясини сайлайди;

- жамиятнинг ижроия органини тузади (сайлайди, тайинлайди). Таъсис йиғилишида (конференциясида) овоз бериш муассислар қўшган хиссаларга мувофиқ ўтказилади.

Таъсис йиғилиши (конференцияси) қарорларни оддий кўпчилик овоз билан қабул қилади. Таъсис шартномасини ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётган ҳоллар бундан мустаснодир, бунда барча муассисларнинг розилиги талаб этилади. Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда таъсис йиғилиши ўтказилмайди¹. Таъсис йиғилиши (муассис) тасдиқлаган устав жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда давлат мулкани тасарруф этишга ваколатли орган тасдиқлайдиган эмиссия маълумотномаси ҳам таъсис ҳужжати ҳисобланади.

Жамиятнинг уставида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- фирманинг тўлиқ ва қисқартирилган номи ҳамда жойлашган ери (почта манзили); фаолият соҳаси (асосий йўналишлари), мақсади ва муддатлари;

- устав фондининг миқдори;

- устав фондини кўпайтириш ёки камайитириш тартиби;

- чиқарилаётган акциялар турлари, уларнинг номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг нисбати;

- даромад (фойда)ни, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби;

- захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби;

- жамият қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

- жамият бошқарувининг тузилиши, ижроия ва назорат органлари аъзоларининг сони, уларни сайлаш тартиби, бу органларнинг ваколатлари;

- йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;

- жамиятни қайта тузиш ва тугатиш тартиби;

- жамият томонидан акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари.

Жамият уставида битта акциядорга тегишли бўлган акциялар сони ва улар номинал қийматининг суммаси чеклаб қўйилиши мумкин. Жамият акциядор ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан уставда белгиланган муддатларда уларга жамият уставини, шу жумладан, унга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Шунингдек, жамият акциядорнинг талабига биноан жамиятнинг амалдаги уставидан нусха олиб бериши ҳам шарт ҳисобланади.

¹ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент: ТДЮИ, 2004.- Б.87.

Демак, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонун микрокредит ташкилотининг таъсис этилаётган шакли учун махсус қонунларда белгиланган талабларга қўшимча талабларни белгилайди ва бу акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги қонунчилигидаги ҳолат билан мос келади.

Микрокредит ташкилотини ташкил этишнинг муҳим босқичлари давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олишдир. “Кредит органлари фаолиятини лицензиялаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш институтлари давлат учун фаолиятни қонуний ёки ноқонунийлигини аниқлашга, субъектнинг расмий мақомини белгилашга, фаолиятни тартибга солишга имкон яратади”¹.

Микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби бири-биридан узвий фаврқланувчи босқичлар бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқишни лозим топгандир. Микрокредит ташкилотни лицензиялаш масаласи кейинги бўлимда кўриб чиқилади.

Ариза берувчи (тадбиркорлик субъекти ёки унинг муассиси) Инспекцияга:

- тадбиркорлик субъектини, айти пайтда рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш учун;

- тадбиркорлик субъектини рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирмасдан давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаат қилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга (шахсан келиб ёки почта орқали) ариза тақдим этилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага:

- давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси, бунда давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари учун таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган бўлиши талаб этилмайди (юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари бўлиб устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси, бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун - таъсис шартномаси ва устав, тўлик ва коммандит ширкатлар учун эса - фақат таъсис шартномаси, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликлари учун - фақат устав);

- давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларидан ташқари);

¹ Филатов Ю.В. Правовое положение банка как субъекта гражданского права. Дис...канд.юр.наук. Екатеринбург: 1999. –С.139.

- бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотноманинг асл нусхаси;

- уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари.

Аризани кўриб чиқиш ва тегишли маълумотномани бериш муддати 2 иш кунини ташкил этади. Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эканлиги (мавжуд эмаслиги) ҳақида маълумотнома берганлик учун тўлов олинмайди. Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотноманинг амал қилиш муддати 2 ой.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказиш ёки асосланган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор зарур ҳужжатлар илова қилинган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб:

- якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари бўйича - 2 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда;

- юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектлари бўйича 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахсни ташкил этган барча тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар реестрга киритилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир кун мобайнида у ҳақдаги давлат реестридан олинган маълумотларни тадбиркорлик субъекти жойлашган жойдаги:

- юридик шахслар бўйича - статистика, солиқ органлари ҳамда муҳр ва штамп эскизларини уч нусхада илова қилган ҳолда ички ишлар органларига, акциядорлик жамиятлари ҳисобланадиган юридик шахслар бўйича эса – шунингдек, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат ваколатли органига;

Тегишли маълумотлар олингач икки кун муддатда:

- солиқ органлари - юридик шахсни, якка тартибдаги тадбиркорни, юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигини, шу жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, иш билан таъминлаш жамғармаси ва йўл жамғармасига (тегишли жамғармаларга бадал тўловчилар ҳисобланган субъектлар учун) суғурта бадаллари тўловчи сифатида (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларидан ташқари) ҳисобга кўяди, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини беради ва уни статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расман маълум қилади;

- статистика органлари - юридик шахсни корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестрига киритади, рўйхатдан ўтказиш картасини тўлдиради ҳамда рўйхатдан ўтказувчи ва солиқ органларига тадбиркорлик субъектига берилган кодларни расман маълум қилади;

- ички ишлар органлари муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани расмийлаштиради ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга эскизнинг икки нусхаси билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани юборади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар йилнинг ҳар чорагида рўйхатдан ўтказилган ва ҳисобда турган рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари сонини солиқ ва статистика органлари билан солиштиради.

II-БОБ. Микрокредит ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш, тартибга солиш ва жавобгарлик масалалари

2.1. Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби

Демократик принципларга асосланган эркин бозор муносабатларига ўтиш изчил тарзда эскича тартибларга барҳам бериш, унинг ўрнига янги бозор тартибларини босқичма-босқич жорий эта бошлаш, иқтисодда, сиёсатда, маданий-маънавий ҳаётда туб ислохотларни олиб бориш орқали амалга оширилади¹.

Ҳозирги кунда Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг жадал ривожланиши ва чуқурлашиб бориши ҳамда иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида микрокредит ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва уларга лицензия бериш тартибини белгилаш жуда муҳимдир. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритишининг янги шакллари вужудга келиши, уларнинг ривожланиши ва самарали фаолият кўрсатишини амалий жиҳатдан қўмақ бериш, қисман бўлсада микрокредит ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ ҳисобланади.

¹ Ҳожиёв Э., Самигҗонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк ҳуқуқи: юриспруденциянинг бакалавриат йўналиши учун дасрлик/ Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. –Б.3.

Биринчи бобда кўриб чиққанимиздек, микрокредит ташкилотларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрда қабул қилинган “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни¹ билан тартибга солинади. Қонуннинг мақсади микрокредит ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонунга мувофиқ, микрокредит ташкилотлари –микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс бўлиб, улар юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин. Микрокредит ташкилотининг фирма номида “микрокредит ташкилоти” сўз бирикмаси ифодаланиши ва мазкур ном бошқа микрокредит ташкилотларининг фирма номига ўхшаш бўлмаслиги керак. Ушбу Қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида “микрокредит ташкилоти” сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Шу билан бирга, қонунда микрокредит ташкилотларига нисбатан чекловлар ҳам белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардир:

Биринчидан, микрокредит ташкилоти ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ва қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бошқа фаолият билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас.

Иккинчидан, микрокредит ташкилотлари давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Микрокредит ташкилотининг устав фонди эса пул маблағларидан, мазкур ташкилот устав фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган бошқа мол-мулкдан шакллантирилади. Микрокредит ташкилотининг устав фондиди шакллантиришда кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Микрокредит ташкилоти устав фондидининг энг кам миқдори лицензия олиш учун мурожаат қилинган кунга қадар фақат пул маблағларидан шакллантирилган бўлиши керак.

Бу борада шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, микрокредит ташкилотларининг фаолият юритиши учун уларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтиши етарли эмас. Яъни Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда микрокредит ташкилоти лицензия олинганидан кейин микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006., 37-38-сон, 372-модда.

Давлатимизда микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки тўғрисида”¹, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”², Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”³ги 2000 йил 25 майдаги Қонуни³га, шунингдек, 2001 йил 12 майдаги Ўзбекистон Республикасининг “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”⁴ги Қарори⁴ ва шу қарорнинг 1-илоvasи⁵га мувофиқ микрокредит ташкилотлари фаолияти лицензия асосида амалга ошириладиган фаолият турлари сирасига киритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/4-сонли қарори билан тасдиқланган “Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низом”⁶ билан белгилаб қўйилган.

“Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ микрокредит ташкилотлари лицензия олишдан олдин қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Биринчидан, микрокредит ташкилоти устав фондининг энг кам миқдори миллий валютада қуйидаги миқдорларда белгиланади:

а) Тошкент шаҳрида барпо этиладиган микрокредит ташкилотлари учун -20 минг АҚШ доллари эквивалентида;

б) бошқа аҳоли пунктларида барпо этиладиган микрокредит ташкилотлари учун -10 минг АҚШ доллари эквивалентида.

Эквивалент устав фонди белгиланган энг кам миқдорининг миллий валютасида микрокредит ташкилоти рўйхатдан ўтказилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки курси бўйича ҳисобланади.

Иккинчидан, микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олишга ариза топшириладиган санада ташкилот устав фондининг энг кам миқдори фақат пул маблағларидан шакллантирилиши керак.

Учинчидан, микрокредит ташкилоти фаолият бошланганидан кейин устав фондига миқдори мазкур ташкилот устав фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган мол-мулкни қилишга йўл қўйилади. Бироқ кредитга, гаровга олинган ва бошқа жалб этилган маблағлардан микрокредит ташкилотининг устав фондиди шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995., № 12, 247-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006., 37-38-сон, 372-модда.

³ Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1-Том. Т.: 2002., -Б.96.

⁴ Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1-Том. Т.: 2002., -Б.110.

⁵ "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги ЎЗР ОМ 12.05.2001 й. қабул қилинган 222-П-сонли Қарорининг 1-илоvasига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ЎЗР 17.07.2007 й. ЎРК-102-сон Қонуни. // "Халқ сўзи" газетасида 2007 йил 18 июлда эълон қилинган.

⁶ Собрание законодательство Республики Узбекистан, 2006 г., №-С. 43-44, . 436.

Лицензия олиш учун микрокредит ташкилоти рўйхатдан ўтказилганидан кейин 60 кундан кечиктирмай, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказий Банк ёки унинг ҳудудий бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

- лицензия бериш тўғрисида ариза;
- микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатлари;
- микрокредит ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- микрокредит ташкилотини бошқарув органларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар;
- микрокредит ташкилотининг устав фонди шакллантирилганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;
- лицензия талабгорининг ариза кўрилганлиги учун йиғими кирим қилинганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномасининг нусхаси.

Лицензия олишга барча зарур ҳужжатлар илова қилинган аризани Марказий Банк ариза ва зарур ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб 30 календарь кун мобайнида кўриб чиқади. Марказий Банкнинг ҳудудий бошқармаси уч кун мобайнида тақдим этилган ҳужжатларнинг Низом талабларига қанчалик тўлиқ мувофиқлигини ўрганиб, уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига микрокредит ташкилоти лицензиясини бериш масаласини кўриш учун тақдим этади.

Бунда Марказий Банк лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилинганидан кейин уч кун мобайнида хабардор қилиши шарт. Яъни, лицензия бериш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорига ёзма равишда юборилиб (топширилиб), банк ҳисобварағининг реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилади.

Микрокредит ташкилотига лицензия берилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин Марказий Банк қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига оладиган юридик ишни расмийлаштиради:

- лицензия бериш тўғрисидаги ариза;
- микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатлари;
- микрокредит ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- микрокредит ташкилотини бошқариш органларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар;
- микрокредит ташкилотининг устав фонди шакллантирилганлигини тасдиқлайдиган банк ҳужжати;
- лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

- лицензия бериш тўғрисида Марказий Банк бошқарувининг қарори.
- микрокредит ташкилотининг фаолиятини амалга оширишга лицензия¹.

Юридик ишни Марказий Банк уч нусхада расмийлаштириб, бир нусхаси имзо қўйдирган ҳолда микрокредит ташкилотининг раҳбарига топширилади, бир нусхаси Марказий Банкда сақланади, бошқа бир нусхаси эса микрокредит ташкилоти жойлашган жойдаги Марказий Банкнинг ҳудудий бошқармасига юборилади.

Бироқ, микрокредит ташкилоти лицензия берилган пайтдан бошлаб олти ой мобайнида ўз фаолиятини амалга оширишга киришиши керак. Шу билан бирга лицензия олинганидан кейин Марказий Банкнинг ҳудудий бошқармаси микрокредит ташкилотини микрокредит ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлайди.

Тақдим этилган ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган талабларига номувофиқ бўлган ва тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки микрокредит ташкилотига лицензия беришни рад этиши мумкин.

Аниқроқ айтганда, Марказий Банк қуйидаги сабабларга кўра лицензия беришдан бош тортишга ҳақлидир:

- а) тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун билан белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги;
- б) ҳужжатларда нотўғри ёки бузилган маълумотларнинг мавжудлиги;
- с) микрокредит ташкилоти ижроия органи раҳбарининг малака талабларига мувофиқ эмаслиги.

Бундай ҳолатларда лицензия беришдан бош тортиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорига ёзма шаклда юборилиб (топширилиб), рад этиш сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, қайтадан кўриш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади.

Микрокредит ташкилотининг молиявий аҳволи қониқарли бўлса ва қонун ҳужжатлари ҳамда Марказий Банкнинг меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя этса у филиаллар барпо этиши мумкин.

Микрокредит ташкилотларининг филиаллари Марказий Банкда ҳисобга қўйган ҳолда микрокредит ташкилотини бошқариш олий органининг қарорига кўра барпо этилади (ёки тугатилади).

Филиалга уни барпо этган микрокредит ташкилотининг мол-мулки берилади. Филиалнинг номи “филиал” сўзини кўрсатган ҳолда микрокредит ташкилотининг номи билан

¹ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2006., № -С.43-44, . 436.

тўлиқ мос тушиши керак. Микрокредит ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барпо этиладиган филиаллари юридик шахс ҳисобланмайди.

Филиал ўз фаолиятини микрокредит ташкилотини бошқарувчи олий орган тасдиқлаган “Филиал тўғрисида”ги Низом ва микрокредит ташкилотига берилган лицензия асосида амалга оширади.

Микрокредит ташкилоти филиалини Марказий Банкда ҳисобга қўйиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- унинг жойлашган жойи (почта манзили)ни кўрсатган ҳолда микрокредит ташкилоти филиалини ҳисобга қўйиш тўғрисида ариза;
- микрокредит ташкилотини бошқарувчи олий органнинг филиал барпо этиш тўғрисидаги қарори;
- филиал раҳбари лавозимига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар.

Филиал барпо этишга микрокредит ташкилоти тақдим этган ҳужжатларни Марказий Банк 30 календарь кун мобайнида кўриб чиқади.

Тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бут бўлган ва мазкур Низом талабларига мувофиқ келган ҳолда кредит ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш комиссияси кўришига микрокредит ташкилоти филиалини ҳисобга қўйиш масаласи кўйилади. Агар тақдим этилган ҳужжатлар қонун ҳужжатларининг талабларига зид бўлса, ҳужжатлар қайтариш сабабларини асослаган ҳолда қайтарилади. Унинг филиали фаолиятининг натижалари бўйича микрокредит ташкилотининг молиявий аҳволи ёмонлашса, Марказий Банк мазкур филиални тугатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Шунингдек, микрокредит ташкилоти ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда микрокредит ташкилоти қайта рўйхатдан ўтказилганидан кейин бир ҳафта ичида Марказий Банкка лицензияни қайтадан расмийлаштириш тўғрисида ариза топшириб, унга кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилиши шарт.

Бундан ташқари, Марказий Банк қуйидаги ҳолларда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиши мумкин:

- а) микрокредит ташкилоти “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларини, шу жумладан, лицензион талаблар ва шартларини бузганида;
- б) микрокредит ташкилоти унинг фаолиятида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга мажбур этадиган қарорларни бажармаганида.

“Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида”ги Қарорни Марказий Банк қабул қилган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай ёзма шаклда асослаган ҳолда микрокредит ташкилотига етказиб беради. Марказий Банк эса лицензиянинг амал қилишини тўхтатишга

олиб келган ҳолатларнинг микрокредит ташкилоти томонидан бартараф этилиши муддатини белгилашга мажбур. Бунда кўрсатилган муддат олти ойдан ошмаслиги керак. Микрокредит ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тўхтатишга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, Марказий Банк тасдиқловчи ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн кун ичида унинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Юқоридагилардан ташқари, Низомга мувофиқ лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- микрокредит ташкилоти тўловга ноқобил бўлганида;
- ҳисобот маълумотлари мунтазам бузиб келинганда;
- микрокредитлар тақдим этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш лицензия берилган пайдан бошлаб олти ойдан кўп муддатга тўхтаб қолганда ва қонунда назарда тугилган бошқа ҳолларда¹.

Лицензиянинг амал қилиши микрокредит ташкилоти томонидан Марказий Банк белгиланган муддатда лицензиянинг амал қилишини тўхтатишга олиб келган ҳолатлар бартараф этилмаганда ҳам тугатилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб тугатилади. Марказий Банк сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда лицензия олиш далили аниқланган тақдирда лицензияни бекор қилади. Бекор қилиши тўғрисидаги қарор лицензия берилган санадан бошлаб амал қилади. Агар лицензия лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги тўғрисида билдирувнома юборилган (топширилган) пайдан бошлаб уч ой мобайнида Марказий Банкка лицензия берилишига давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса, Марказий Банк кўрсатилган лицензияни бекор қилишга ҳақлидир.

2.2. Микрокредит ташкилотларининг хизматлар кўрсатиш бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Давлатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва бозор инфратузилмасини модернизация қилиш борасида банк-молия тизими ва кредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш эътиборда четда қолмаслиги лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: “Иқтисодиётимизда мавжуд бўлган кўпгина муаммоларни ечиш учун банк тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришимиз ва кенгайтиришимиз даркор”².

Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларга банклар, кредит уюшмалари,

¹ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2006., № 43-44, ст. 436.

² Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим/ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2005 йил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзланган маърузаси/Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари киради¹. Бу борада микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари барчанинг танишиб чиқиши учун очик бўлиши ва микромолиявий хизматлар кўрсатиш миқдори, муддатлари ва ҳақи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Микрокредит ташкилоти микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиши мумкин. Бироқ, микрокредит ташкилоти қарз мажбуриятларини чиқаришга ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар (депозитлар) қабул қилишга ҳақли эмас.

Микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар қуйидаги алоҳида кўринишларини кўрсатиш мумкин:

1. Микромолиялаш – бу микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит. Микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек, микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

2. Микрокредит – бу қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир. Микрокредит қарз олувчига пул маблағларини шартномага мувофиқ муайян мақсадлар учун ишлатиш шартлари асосида (мақсадли микрокредит) берилиши мумкин.

3. Микроқарз-бу микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса тўловлилик шартлари асосида ҳам бериладиган пул маблағларидир.

4. Микролизинг-бу микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда уни эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутиладиган хизматдир. Микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади.

Шуни эътибордан четда қолдирмаслик лозимки, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ўз маблағларига эга. Шу жумладан, олган даромадлари ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан микромолиявий хизматлар кўрсатади.

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидаларига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотга микромолиявий хизматлардан

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. 37-38-сон, 369-модда.

фойдаланиш учун буюртма ҳамда ўз фаолияти ва даромадли тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бошқа ҳужжатлар тақдим этади. Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот буюртмани олганидан сўнг ўн кун ичида уни кўриб чиқиши ва микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисида ёки микромолиявий хизматлар кўрсатишни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Буюртмани кўриб чиқиш натижаларига кўра микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот ва қарз олувчи ўртасида шартнома тузилади. Бундай ҳолатларда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Шартномага мувофиқ мажбуриятларнинг қарз олувчи томонидан бажарилишини таъминлаш шарти асосида ёки шундай шартсиз микромолиявий хизматлар кўрсатиш;
- Буюртма берувчига микромолиявий хизматлар кўрсатишни асослантирилган ҳолда рад этиш;
- Микромолиявий хизмат кўрсатиш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни буюртма берувчидан сўраб олиш;
- Тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган ёхуд мақсадли микрокредитдан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда, мажбуриятларнинг қарз олувчи томонидан муддатидан илгари бажарилишини талаб қилиш.

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот:

- Буюртма берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан, микромолиявий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча ҳаражатлар ҳақида буюртма берувчига ишончли ҳамда тўлиқ ахборотни маълум қилиши;
- Шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда микромолиявий хизматлар кўрсатиши;
- Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қарз олувчига қоплаши шарт.
- Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда, шартнома юзасидан қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:
 - микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари билан танишиб чиқиш;
 - ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан, микромолиявий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча ҳаражатлар ҳақида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;
 - шартнома шартларининг шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилишини талаб қилиш;

- шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш.

Қарз олувчи:

- микромолиявий хизматдан фойдаланиш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиши;
- олинган мақсадли микрокредитдан шартномага мувофиқ белгиланган мақсадда фойдаланиши;

Мажбуриятларни шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажариши шарт.

Бироқ бу борада қарз олувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши:

- а) банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;
- б) учинчи шахсларнинг кафиллиги;
- с) мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови, шу жумладан, гаров депозити, банкларнинг омонат сертификатлари ҳамда қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланади.

Қарз олувчининг даромадлари ҳажми, шунингдек, шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишининг қарз олувчи томонидан тақдим этилган таъминоти олинган микромолиявий хизмат суммасини қайтариш ва мазкур хизмат бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлиши керак. Қарз олувчи олинган микрокредит ёки микроқарз суммасини муддатидан илгари қайтаришга ва улардан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун ҳисобланган фоизларни тўлашга ҳақли.

Шунингдек, қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, кафолат берувчи ёки кафил қарзни қайтариш муддати тугагач, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотнинг биринчи талабига биноан шартномага мувофиқ қарз олувчининг қарзини тўлаши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредит ташкилотлари” ҳамда “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонунларининг норма талабларига асосан шундай хулосага келиш мумкинки, микромолиялаш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун кенг имконият яратиб берилган. Буни микрокредит ташкилотларини исталган ҳуқуқий шаклда тузишга рухсат берилганлиги, хизмат кўрсатиш қўламини кенглиги, микромолиялаш фаолиятини амалга ошириш имкониятини бир неча кредит ташкилотларга берилишини келтириш мумкин. Қиёслаган ҳолда мисол ўрнида таъкидлаш мумкин, Қозоғистон Республикасининг 2003 йил 6 мартдаги “Микрокредит ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни¹нинг 9-моддасига асосан

¹ [http:// biz.kostanay.info/brochures/mko/zakon/](http://biz.kostanay.info/brochures/mko/zakon/)

микрокредит ташкилотига қимматбаҳо қоғозлар чиқариш таъқиқланган. Амалдаги Ўзбекистон қонунчилигида бу каби чеклов мавжуд эмас. Лекин айтиш мумкинки, микрокредит ташкилот акциядорлик жамияти кўринишида бўлса демак, акция қимматбаҳо қоғозини чиқаришга ҳақли.

2.3. Микрокредит ташкилотларининг жавобгарлик масалалари

Микрокредит ташкилотлари жавобгарлигининг ҳуқуқий асосларини аниқлаш микромолиялаш, микрокредитлаш соҳасидаги жавобгарлик тушунчаси ҳамда унинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тури сифатида таҳлил этишни талаб этади. Юқорида таҳлил этилган бобларда микрокредит ташкилотининг юридик шахс эканлиги, у амалга оширадиган хизмат турлари микроқарз, микролизинг, микрокредит ҳамда қарз мажбуриятларини сотиб олиши ва сотиши (факторинг), истеъмол кредитлари бериши айтиб ўтилган эди. Микромолиялаш фаолиятини микрокредит ташкилотидан ташқари банклар, кредит уюшмалари, ломбардлар ҳам беришлиги таъкидлаб ўтилди. Бу бобда биз микрокредит ташкилотларнинг жавобгарлик масаласи билан биргаликда банк, жумладан, “Микрокредитбанк”нинг фақат микромолиялашга оид жавобгарлигини таҳлил этамиз. Банклар, кредит уюшмалари, ломбардларнинг фаолияти фақатгина микромолиялаш фаолияти билан боғлиқ эмас, шу сабабдан бу тоифа микромолиялаш субъектларининг жавобгарлиги тадқиқ этилмади. Демак, микрокредит фаолиятининг хизмат кўрсатиш фаолияти эканлиги, микрокредит ташкилотининг юридик шахс мақомига эга эканлиги, мижоз ва микрокредит ташкилоти ўртасида тузиладиган шартномалар фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар эканлиги ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари шартнома асосида вужудга келишлиги ва айнан шу шартнома шартлари ва мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик юзасидан жавобгарлик вужудга келишини инобатга олган ҳолда микрокредит ташкилотлари жавобгарлиги фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик тури, деган хулоса келиб чиқади.

Микрокредит ташкилоти жавобгарлигининг асосларини аниқлаш бу энг аввало, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосларидан келиб чиқади. Микромолиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси “Микромолиялаш тўғрисида”¹ги қонунининг 23-моддасида баён этилган бўлиб, умумий мазмунда, “Молиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар”, - деб белгиланган.

“Банк фаолияти соҳасида бирор шахс томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилганда, уни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун жавобгарлик асосларини аниқлаш зарур”².

¹ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2006. 37-38-сон, 369-модда.

² Грибанов В.П. Осуществление и защита гражданских прав.-М.: Статут, 2000.- С.317.

Фуқаровий - ҳуқуқий жавобгарлик асослари масаласи фуқаролик ҳуқуқида кенг тадқиқ этилиб келинмоқда. Фуқаровий - ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузар томонидан ўз мажбуриятларига риоя этмаслик натижасидир. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликни ҳуқуқий ва фактик асосларга ажратадилар. Фактик асосларга деликт, яъни ҳуқуқбузарликни конкрет содир этилиши тушунилади. Ҳуқуқий асос деганда конкрет ҳуқуқ нормаси - шартномалар тушунилади. Улар ҳуқуқбузарликни ҳуқуққа хилоф эканлиги ва жазо муқаррарлигини белгилайди. Бундай турдаги жавобгарликнинг юридик асоси бўлиб, норматив-ҳуқуқий акт – шартнома ҳисобланса, фактик асоси-фуқаровий ҳуқуқбузарлик таркибидир.

Фуқаровий ҳуқуқбузарлик ўз таркибига: қонунга хилоф хатти-ҳаракат, зарар, сабабий боғланиш ҳамда айбни қамраб олади. Қатор юридик адабиётларда, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг юзага келиши учун қуйидаги шартлар бўлиши зарурлиги (яъни фуқаровий ҳуқуқбузарлик таркиби) айтиб ўтилади¹:

- a) Қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- b) Зарарнинг мавжудлиги;
- c) Сабабий боғланиш (зарар ва қонунга хилоф ҳаракат ўртасида);
- d) Зарар етказувчининг айби.

Ҳуқуқбузарлик таркибига, шунингдек, жабрланувчининг тавсифномасини ҳам киргизиш мумкин, чунки ҳар қандай ҳуқуқбузарлик конкрет шахснинг фаолиятига аралашшига қаратилган. Бундан ташқари, ҳуқуқбузар ва жабрланувчининг тавсифномасидан ташқари, жавобгар шахснинг тавсифномаси ҳам мавжуд². Мисол учун, кредит ташкилоти ходими томонидан етказилган зарар (унинг иш вақтидаги иш мажбуриятларини ижро этиш мобайнида) учун ташкилот жавобгар бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқбузар ўз мол-мулки билан хатти-ҳаракатлари учун жавоб берадиган шахс ҳисобланади. Юридик шахслар ва бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектлари (давлат, муниципал ташкилотлар) тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эгадирлар ва ўз мол-мулки билан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун юридик шахс сифатида ташкил этилган вақтдан эътиборан жавобгардирлар. Ҳуқуқбузарлик асосида субъект ҳуқуқ атворининг хоҳиш иродаси ётади. Ҳаракатсизлик субъект зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилмаслигидир. Ҳуқуқ

¹ Оқюлов О. Фуқаролик –ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари//Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари.-Тошкент: 1999.-№6. -Б.-75-76.; Раҳмонкулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар.1-жилд. -Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – 443 б.; Гражданское право. Часть первая: Учебник / Отв. Ред. В.П. Мозолин, А.И. Масляев.- М.: Юристъ, 2005. –С. 663-669.; Гражданское право . Том.1 Учебник. Издание четвертое, переработанное и дополненное./Под ред. А.П.Сергеева. Ю.К.Толстого.-М.: Проспект, 1999. –С. 490-504.

² Илларионова Т.И. Гонгало Б.М., Плетнев В.А., Гражданское право. Часть первая. Учебник для вузов. -М.: Норма, 2001.-С.422.

атворнинг ҳуқуқий характеристикаси - ҳуқуққа хилофлик, айб эса шахсга нисбатан жавобгарликни белгилашнинг шarti ҳисобланади¹.

Қонунга хилоф хатти-ҳаракат шахсни фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг мажбурий шarti ҳисобланади. Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ёки қонунга зид бўлмаган шартномадаги ҳолат ва вазиятлар истисно тариқасидаги шартлар бўлиши мумкин. Қонуний тарзда етказилган зарар, фақат қонунда белгиланган ҳолатларда қопланиши мумкин. Агар зарар жабрланувчининг илтимоси ва розилиги билан етказилган бўлса, зарарни қоплаш рад этилиши мумкин, башarti зарар етказувчининг ҳаракатлари жамият манфаатларига зид бўлмаса. Қонунга хилоф ҳаракат бу субъект хатти-ҳаракатининг қонунчилик нормалари билан мос келмаслик фактидир. Яъни, мулк ва шахсга зарар етказишга ва ҳуқуқни бузишга қаратилган хатти-ҳаракат ҳуқуққа хилоф ҳарактер касб этади.

Ҳуқуққа хилоф ҳаракат ҳаракатсизлик ёки ҳаракат шаклида бўлиши мумкин. О.С. Иоффе ҳуқуққа хилоф ҳаракат белгиларини қонунни, ахлоқни бузиш шarti деб таъкидлайди². В.П.Грибанов фикрига қўшилган ҳолда ҳуқуққа хилоф ҳаракат деб, ҳуқуқ ва мажбуриятларни бузувчи, фуқаролик ҳуқуқ нормалари билан санкцияланган, белгиланган, шунингдек, аниқ норма билан белгиланган бўлсада, лекин фуқаролик қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва умумий асосларига зид бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. Ахлоқ нормаларини бузувчи ҳуқ атвор ҳуқуққа хилоф деб, фақат қонун конкрет ахлоқ қоидаларига ҳуқуқий ҳарактер бергандагина тан олинади³.

Р.Р.Ганеев фикрига кўра, “Қонун ва шартнома шартлари билан белгиланмаган шарт асосида фуқаровий ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш мумкин эмас”⁴. Аммо бу фикрга қўшилмаган ҳолда айтиш мумкинки, фуқаролар ўртасидаги мавжуд барча ҳуқуқий муносабатлар қонун ёки шартнома билан тартибга солинмаган. Турли низоларни ҳал этишда ўхшаш ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи (қонун аналогияси) нормаларга таяниш, ёки ишни фуқаролик қонунчилиги мазмун-моҳияти, (ҳуқуқ аналогияси) асослари асосида ҳал этиш имконияти мавжуд. Банк ҳуқуқида асосан одат қоидалари катта ўрин тутади. Қарздор хатти-ҳаракати қонунга хилоф ҳусусиятга эга бўлиши учун бу ҳаракат қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжат билан тўғридан-тўғри таъқиқланган, ёхуд қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатга, шартномага зид бўлиши керак. Кредит муносабатларни тартибга солувчи қонунларда банк операциялари ва битимларни амалга ошириш юзасидан қўпгина қатъий қоидалар белгиланган. Мазкур қоидаларга риоя этмаслик хатти-ҳаракатни қонунга хилофлигига ва фуқаровий-

¹ Илларионова Т.И. Гонгалло Б.М., Плетнев В.А., Гражданское право. Часть первая. Учебник для вузов.-М.: Норма, 2001.-С.422.

² Иоффе О.С. Обязательственное право. –М.: Юридическая литература, 1975.-С. 110.

³ Гражданское право / Под. Ред. Е.А.Суханова Т. 1, 2-е издание. –М.: Бек, 2003.-С. 176.

⁴ Ганеев Р.Р. Гражданско-правовая ответственность за нарушения в сфере рынка ценных бумаг/Дис... канд.юр.наук.-Казань: 2001-С.91.

хукукий жавобгарликни қўллашга олиб келади. Хукукбузарлик таркибининг иккинчи асоси сифатида қонунга хилоф хатти-ҳаракат натижаси бўлиб, мулкый оқибатлар, яъни зарар ҳисобланади. Зарар хуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган шахсга етказилади. Мазкур зарар етказиш турли кўринишда ўз аксини топади. Фуқаролик хуқуқида зарар деганда, шахсий ёки мулкый неъматларни ҳар қандай тарзда камайтирилиши тушунилади¹. Ўз навбатида зарар маънавий (ФК 1021, 1022-моддалари) ва моддий бўлиши мумкин. Банк фаолияти соҳасидаги муносабатлар асоси бўлиб, пул воситаси яъни моддий неъматлар саналади. Шунингдек, бу соҳада номоддий неъматларнинг ҳам мавжудлигини ҳисобга олиш лозим, яъни шахсий номулкий муносабатларнинг бузилиши тушунилиши керак. Мисол қилиб, банк сирига оид қоидаларни келтириш лозим.

Шартнома бўлмаган ҳолларда ҳам етказилган зарар ўрнини қоплаш имконияти мавжуд. Шартномани тузиш бўйича музокараларда ҳамкорга нисбатан бўлган муносабатда мажбуриятларни бузилиши оқибатида жавобгарлик юзага келиши мумкинлигини назарда тутати². Мавжуд муносабатлар шартномавий муносабатларга дахлдор бўлишига қарамасдан тузилган шартнома бўлмасада, зарарларни қоплаш тарзидаги жавобгарлик белгиланган.

Зарарни қоплашда енгиб бўлмас куч ҳолатлари истисно тариқасида кўрилиши мумкин. Натижада, бир тараф иккинчи тарафга ўз хоҳишидан ташқари зарар етказди. Бундай ҳолатларда зарарни қоплаш тайинланмайди. Мазкур ҳолатда қолган тараф иккинчи тарафни бундай ҳол юз бериши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради ҳамда ушбу вазиятни бартараф этиш учун барча имкониятларни қўллайди. Енгиб бўлмас кучни аниқлашнинг умумий принципига юзага келган вазият характерини объектив ва абсолют хусусиятдалиги – мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилган асосларнинг ҳаракати, объектив ва абсолют бўлиши лозим, яъни фақат зарар етказувчини эмас, балки барчага қўлланилиши керак. Ижро этишнинг имконияти йўқлиги абсолют бўлиши лозим, қарздорни қийнайдиغان эмас. Қонунчиликда ва шартнома амалиётида енгиб бўлмас кучга табиий офатлар (ер қимирлаши, сув босиши) ёки олдиндан кўра олиш ёки бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаган бошқа ҳолатлар киритилади. Барча фуқаровий-хуқукий тизимларда енгиб бўлмас куч жавобгарликдан озод этувчи ҳолат деб қаралади. Бунда ўз мажбуриятларини бажармайдиган тараф енгиб бўлмас куч ҳолатларига таяниб, контрагентларни хабардор этиши ва бундай ҳолатларга далиллар келтириш лозим.

Енгиб бўлмас куч ҳолатидан ташқари фавқулоддаги ҳолатларга юридик форс мажорни киритсак бўлади, банк фаолияти тизимида кўплаб шартнома ва келишувларда бу ҳолатга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, банк фаолиятида юридик форс мажорга юқори

¹ Гражданское право / Под. Ред. Е.А.Суханова Т. 1, 2-е издание. –М.: Бек, 2003.-С. 441.

² Амосов С.С. Актуальные проблемы механизма гражданско-правовой ответственности юридических лиц/Дис... канд. юрид. наук.-Иркутск: 2001. –С.100.

давлат органлари, шу жумладан, Марказий Банкнинг қарорларини киритиш мумкин. Томонлар учун мажбуриятларини амалга оширишга имкон бермайдиган норматив-ҳуқуқий актнинг қабул қилиниши енгиб бўлмас куч сифатида қаралиши мумкин. Шунингдек, тарафлар енгиб бўлмас куч ҳолатлари доирасини кенгайтиришга интиладилар, барча янги шартларни инобатга олган ҳолда ёки мазкур ҳолатларсиз шартномани имзолашни рад этиш билан изоҳланади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, форс мажор ҳолатлар деб эътироф этилмайдиган ҳолатга тижорат таваккалчилиги киради, мисол учун, бозор конъюктурасининг ноқулайлиги оқибатидаги қийинчилик, таъриф ва баҳоларнинг ўзгариши¹.

Зарарни қоплаш, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг универсал усули сифатида тўлиқ ҳажмда амалга оширилади (ФК 324-модда). Шу билан биргаликда зарарни қоплаш ҳаммиса жавобгарликнинг умумий шакли сифатида қаралади. Уни талаб қилиш имконияти ҳеч қачон шубҳа туғдирмайди, ҳаттоки шартномада тарафлар томонидан зиммасига юклатилган мажбуриятни бузиш, оқибатидаги зарарни қоплашга оид шартлар шартномада белгиланмаган бўлса ҳам².

Шунингдек, ўз мажбуриятини бузган шахсдан етказилган зарарни тенг қийматдаги белгиланган миқдорда эмас, балки муайян неустойка ва фоизлар кўринишида қоплаш мумкин. Бу айниқса, пул мажбуриятини бажармаганлик учун белгиланади. ФКнинг 327-моддасига асосан, пул билан боғлиқ талабларнинг барча ҳолларда иложи борича, фоиз тўлаш йўли билан ундирилиши кўзда тутилган. Шунга кўра, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ноқонуний ушлаб туриш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд шахс ҳисобидан асоссиз равишда олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак. Фоиз миқдори қонунда ёки шартномада белгиланган бўлиши мумкин. Агар бу усулда белгиланмаган бўлса, мажбурият бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарзни ундириш суд томонидан ҳал қилинган тақдирда ҳам фоиз миқдори кредитор томонидан даъво кўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб белгиланиши мумкин³.

Айнан шу фактни А.М.Эрделевский зарарни қоплаш билан боғлиқ мажбуриятни вужудга келиш асоси мазкур шартлар сирасига зарар ва мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ўртасидаги сабабий боғланиш деб таъкидлаб ўтади⁴.

¹ Электронно-правовая база “Гарант”, Толковый словарь.

² Амосов С.С. Актуальные проблемы механизма гражданско-правовой ответственности юридических лиц/Дис... канд. юрид. наук.-Иркутск: 2001. –С.101.

³ Раҳмонкулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар.1-жилд. -Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. –Б. 444.

⁴ Постатейный научно-практический комментарий части первой гражданского кодекса Российской Федерации. /Подред. Эрделевский А.М. –М.: Агенство (ЗАО), 2001.-С.706.

Бунга кредиторнинг айбли ҳаракатларини киритиш мумкин, бунда кредитор қарздорга тузилган шартнома шартларига асосан навбатдаги кредитордан траншини бермаган бўлади. Мазкур ҳолатда қарздорнинг зарарлари кредиторнинг ғайриқонуний ҳаракатларидан келиб чиқиши мумкин.

Ғайриқонуний хатти-ҳаракат ва юзага келган оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг учинчи асоси ҳисобланади. Сабабий боғланишнинг муҳим хусусияти бўлиб, унинг объективлиги саналади.

Сабаб тўғридан-тўғри оқибатни юзага келтиради, ёки унинг юзага келиши учун реал имконият туғдиради. Шундан келиб чиқиб, сабабий боғланиш тўғри ёки эгри бўлиши мумкин¹. Биринчи турига мисол қилиб, банк томонидан миқдор ҳисоб рақамидаги қолдиқлар бўйича фойзаларни ҳисоблаш қиради, агарда мазкур шарт банк ҳисоб - китоб шартномасида назарда тутилган бўлса.

Эгри сабабий боғланиш оқибат юзага келиш сабаби бирор восита билан вужудга келиши мумкин, бунда оқибатни юзага келиш учун имконият вужудга келтирилади. Бу имконият табиий сабаблар асосида шаклланади ёки жабрланувчининг ўз хатти-ҳаракати оқибатида ёки учинчи шахснинг ҳаракатлари билан бўлиши мумкин². Кредит ташкилоти томонидан банк сирини сақлаш назорати етарли бўлмаган ҳолларда бетараф шахсга тегишли маълумот ошқор этилиш имконияти яратилади. Мазкур ҳолатда, кредит ташкилотининг ғайриқонуний ҳаракатлари ва юзага келиши мумкин бўлган зарар ўртасида воситали сабабий боғланиш мавжуд.

Е.А.Суханов фикрига кўра, сабабий боғланиш муаммоси умумфалсафий методологик база асосида кўриб чиқилиши лозим. Бу фикрнинг асосида табиатдаги ва инсон ҳаётидаги барча нарса ва ҳодисаларни ўзаро боғлиқдирлар ва ўзаро қарамдирлар деган тушунча ётади. Аммо бу ўзаро боғлиқлик турли тумандир: атроф муҳитда, вақтда, шакл ва мазмунда, шартли ва шартсиз, сабаб ва оқибат ва ҳ.к. шу нуқтаи-назардан сабабий боғлиқлик нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқлигининг бир кўринишидир³.

А.П.Сергеев бу борада тасодиқ ва ҳақиқат назариясига урғу бериб ўтади, унга кўра баъзи фактлар ғайриқонуний оқибатни юзага келиш имкониятини юзага келтирса, бошқалари-бу имкониятни ҳақиқатга айлантиради. Имкониятини ҳақиқатга айлантирувчи фактлар ғайриқонуний оқибат билан сабабий боғланишда бўлади⁴. О.С.Иоффе фактларни конкрет ва абстракт (мавхум) кўринишларга ажратади⁵, шахсни жавобгарликка тортиш учун объектив сабабий боғланиш бўлиши шарт, яъни у ҳодисаларнинг реал ўзаро боғлиқлиги бўлиши керак,

¹ Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности. –М.: Юридическая литература, 1970.–С. 137-138.

² Илларионова Т.И. Гонгалло Б.М., Плетнев В.А., Гражданское право. Часть первая. Учебник для вузов-М.: Норма, 2001.- С.429.

³ Гражданское право / Под. Ред. Е.А.Суханова Т. 1, 2-е издание. –М.: Бек, 2003. – С.445.

⁴ Гражданское право. Том. 1. издание 6. /Под.ред. А.П.Сергеева и Ю.К. Толстого. - М.: ТК Велби, 2002.-С. 673.

⁵ Иоффе О.С. Обязательное право.-М.: Юри.лит., 1975. –С.128.

у ҳақдаги субъектив тасаввур эмас. Шунинг учун, у реал тасдиқланиши шарт, кўрсатма ва гумонларга таянмаслиги лозим. Мазкур сабабий боғланиш объективлиги доимо аниқ оқибатдан иборат бўлади ҳамда тасодифлардан ташкил топмайди. Яъни муайян аниқ ҳаракат ноҳуш оқибатларни келиб чиқиш имкониятини тўғридан-тўғри юзага келтиради.

Жавобгарликнинг субъектив шарти айб кўринишига фактик жихатдан тегишли бўлади ва бу сабабий боғланишни аниқлашнинг усулидир. Бундан фуқаровий жавобгарликнинг тўртинчи таркибий қисми айбнинг мавжудлиги саналиши ойдинлашади. Рим ҳуқуқи нуқтаи-назаридан айбнинг таркиби-деликтни квалификация қилишда муҳим ҳисобланади, бу уни ўзга ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, жиноятдан ҳам ажратиб туради. Айбнинг мавжудлиги жавобгарлик юзага келиши учун у ёки бу шаклда бўлишидан қатъи-назар бўлиши мажбурийдир¹.

ФКнинг 333-моддасига асосан жавобгарликнинг асоси сифатида айбнинг мавжудлиги ҳақида умумий қоидалар белгиланган. Шундай қилиб, умумий қоидага асосан, жавобгарлик қасд ва эҳтиётсизлик шаклидаги айбнинг мавжудлигига бориб тақалади. Айбнинг шахснинг содир этган ғайриқонуний ҳаракатининг психик муносабати бўлиб, муайян ҳаракатларни содир этишни идрок этишда (қасд) ёки зарурий эътибор ва эҳтиёткорликни йўқлигида (эҳтиётсизлик) намоён бўлади. Кредит ташкилотларининг айби мазкур ташкилотдаги ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажаришдаги айбли ҳулқ-атворида намоён бўлиши мумкин.

Шунингдек, ФКнинг 335-моддасига² асосан, агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юз беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек, кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли.

Е.А.Сухановнинг фикрига кўра, айб бу юридик жавобгарликнинг субъектив шарти бўлиб, ҳуқуқбузарнинг ғайриқонуний ҳулқ атвори ҳамда унинг оқибатларига нисбатан бўлган муносабатидир³. Айбга берилган бундай таъриф ҳам жисмоний ҳам юридик шахслар, шу жумладан, кредит ташкилотларга ҳам тегишлидир. Банк фаолияти соҳасидаги муносабатларга хос хусусият бўлиб, уларнинг мулкӣй характердалиги ҳамда фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг компенсацион-цикловчи функцияга эгалигида ифодаланади. Шунингдек,

¹ Романовская В.Б., Курзенин Э.Б. Основы Римского частного права: учебное пособие.-Ниж. Новгород: Право, 2000.-С. 95-96.

² Ўзбекистон Республикаси Кодекслари//Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. “Юрист медиа маркази” -Тошкент: 2008. – Б.349.

³ Гражданское право / Под. Ред. Е.А.Суханова Т. 1, 2-е издание. –М.: Бек, 2003.-С.447.

кредит ташкилотлари томонидан етказилган зарарни қоплашда зарар етказувчини ўз ҳуққ-атворига бўлган субъектив муносабати муҳим аҳамият касб этмайди.

М.И.Брагинскийнинг фикрига кўра, зарар етказувчининг субъектив муносабати умуман айбни белгиламаслиги лозим. Қарздорнинг айби фақатгина у томонидан мажбуриятларни бажаришга имконияти бўла туриб бажармаслигида аҳамиятлидир¹.

Фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқбузарнинг айбдорлик презумпцияси ҳам мавжуд, унга кўра шахс ўз айбдор эмаслигини исботлагунга қадар айбдор ҳисобланади. Кредит ташкилотларнинг тижорат фаолияти молиявий неъматларнинг алмашунувига асосланади ва даромад ундиришга қаратилади. Бундай турдаги муносабат эгаларининг ўз зиммаларидаги мажбуриятларини бузиши ҳолати жиддий молиявий таваккалчиликка ҳамда мазкур бозорнинг бошқа субъектларга йўқотишга олиб келиши мумкин. Банк фаолияти ишончилигини таъминлаш учун бозор субъектлари зарар етказувчи зарарни қоплаш мажбуриятини фақат бир шарт билан амалга оширади, агарда у ўз айбсизлигини исботлай олмаса. Фақат исботлаш ва шу билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш мажбурияти зарар етказувчини зиммасида бўлади. Зарар кўрган тараф учун етказилган зарар ва мажбуриятни бажармаслини кўрсатишни ўзи етарли ҳисобланади. Банк фаолияти ҳар қандай тижорат фаолияти каби таваккалчилик асосига қурилади.

А.П.Сергеев зарар келтирувчининг айб презумпциясини асослар экан, жабрланувчини қарздор томонидан амалга оширилган эҳтиёткорлик, ғамхўрлик чора-тадбирлари даражасини, юклатилган мажбуриятни бажариш учун қўллаган чора-тадбирлари унинг идрокида қандай психик жараёнлар кечганлигини жабрланувчи билмаслигини таъкидлайди. Айни пайтда, ҳуқуқбузарга жабрланувчидан фарқли ўлароқ, бу ҳолатлар яхши маълум. Бу маълумотларга эга бўла туриб, ўз айбсизлигини исботлаш жабрланувчини бундай маълумотларга эга бўлмай туриб, унинг айбдорлигини исботлашдан кўра осонроқдир. Шунинг учун қарздор ўз айбсизлиги исботланмагунга қадар айбдор ҳисобланади² (Қонунчилик жабрланувчи томонидан судга ҳуқуқбузарнинг айбдорлиги тўғрисидаги далилларни келтириш имкониятини чегараламаган).

Юқорида қайд этиб ўтилган ҳуқуқбузарликнинг таркибий элементлари ҳақида турли фикрлар мавжудлигини қайд этиб ўтиш лозим. Баъзи муаллифлар қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда ёки шартномада назарда тутилган асосларда жавобгарликни вужудга келиши учун фақат келтириб ўтилганлардан баъзиларини бўлишини ўзи етарлидир, - деб ҳисоблайдилар.

¹ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая: Общие положения : Изд. 2-у испр.-М.: Статут, 1999.-С.75.

² Гражданское право. Том. 1. издание 6. /Подред. А.П.Сергеева и Ю.К. Толстого.-М.: ТК Велби, 2002. –С.678.

Кўпчилик ҳолатларда жавобгарликни юзага келишида қарздор айбининг ҳар қандай шаклининг бўлиши етарлидир, бошқа бир қатор ҳолатларда эса мулкӣ жавобгарликка тортишнинг зарурий шрти сифатида айб шарт эмас, балки бу ҳолат кредит ташкилотлари фаолияти соҳасидаги ҳуқуқӣ муносабатларнинг субъекти айби бўлмаганида, айна пайтда учинчи шахсларнинг айби хатти- ҳаракати учун ҳам қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг 18-19-моддаларида микрокредит ташкилотларининг ташкил этилиш ва фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилиш, микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, яъни айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар, деб белгиланган. Юқоридаги параграфда биз фақат қандай микрокредит ташкилотининг фуқаровий жавобгарлик асосларини таҳлил этдик. Мазкур параграфда микрокредит ташкилотини жавобгарликка тортиш хусусиятлари ва тартиби ҳақида сўз юритилади.

Микрокредит ташкилоти фаолиятини мижозлари билан тузилган кредит, лизинг, қарз шартномалари асосида олиб боради. Ушбу шартнома мажбуриятларини кредит ташкилоти бузган тақдирда шартномада белгиланган тартибда жавобгарлик юзага келади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 744-моддасига кўра кредит шартномаси бўйича бир тараф-банк ва бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятларини олади. Хўжалик судлари томонидан ҳал этилаётган кредит шартномаси юзасидан келиб чиқувчи низоларнинг асосий қисми олинган кредит пул суммаларини ва банк фоизларини ўз вақтида қайтармаслик ёки умуман қайтармасликдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 735-моддасида қарз олувчи қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шартлиги таъкидланган. 738-моддада эса қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятни бажармаса, қарз берувчи қарз олувчидан тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақлилиги белгиланган.

Х У Л О С А

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида микромолиялаш фаолияти ва ушбу фаолиятни амалга оширувчи кредит ташкилотлар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш тарзини ошириб боришда етакчи ўрин эгаллаб келмоқда.

Амалдаги қонунчилик ва уни ривожлантириш бўйича қилинган таҳлил асосида айрим назарий хулосалар қилинди ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар

ишлаб чиқилди. Қуйидаги таклиф ва тавсияларнинг қонунчиликда мустаҳкамланиши микромолия муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда ва ушбу фаолият йўналиши амалиётини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қўпгина муаммоларни ҳал қилиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасида келтириб ўтилган таърифларга қўшимча равишда, кредит ташкилотлар тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Зеро, “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлардир, деб эътироф этилган. Аммо кредит ташкилотлар жумласига яна қандай турдаги ташкилотлар киришиги қонунчилик билан мустаҳкамланмаган.

Иккинчидан, микрокредит ташкилотлари томонидан миқдорга кўрсатилаётган хизматлар юзасидан “микрокредит хизматлар кўрсатиш сири” нормасини “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонунга киритишни лозим деб биламиз, зеро ҳар қандай кредит ташкилоти, банк ҳам банк сирини сақлайди, микрокредит ташкилоти нобанк кредит ташкилоти ҳисоблангани билан миқдорларга пул маблағларини муайян миқдорда ва муддатда тақдим этади. Миқдор ишончини таъминлашда муҳим деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунда ва амалдаги ФКда қўлланиладиган айрим атамаларнинг бир-бирига мос келмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, қонуннинг 13-моддасида “қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш – факторинг” – деб номланса, ФКнинг “пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш” – деб номланадиган 42-бобида “факторинг атамаси қўлланилмайди”. Шунингдек қонуннинг яна шу 13-моддасида “микрокредит ташкилоти лизинг берувчи сифатида ишга шартли бўладиган микролизинг - молия ижараси” – деб номланса, ФКнинг 35-боби 6 параграфида лизинг – “молия ижараси” – сифатида юритилмайди. Шу муносабат билан “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонундаги мазкур атамаларни ФКдаги атамалар билан бир хиллигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунга асосан ташкилотларнинг ўзлари томонидан белгиланади, бу қоидаларнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиш ҳамда микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг шартлари ва қоидаларида акс этиши лозим бўлган шартларни ҳам доирасини аниқлаш лозим. Шунда миқдорга кўрсатилаётган хизмат қўлами янада аниқлашади.

Бешинчидан, микрокредит ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган микромолиявий хизмат турларининг биринчиси, бу - микрокредит ҳисобланади. Микрокредит қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг

баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир. Микрокредит одатдаги кредитдан фарқ қилиб, унинг қатъий суммаси қонун ҳужжати билан белгиланган. Бироқ, уни бериш тамойиллари ва мезонлари одатдаги кредит муносабатлари каби тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш ҳисобланади. Микрокредитга нисбатан қўйилаётган, кредит суммасининг энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмаслиги талаби кредит хизмати кўрсатишнинг ушбу тури учун зарурий бўлган ва кредитнинг бошқа турларидан фарқлаб турадиган мезон сифатида эътироф этилади.

Олтинчидан, қонунчиликда микрокредит ташкилотлари устав фондини шакллантириш манбаларининг турлари ва уларга нисбатан белгиланган чекловлар аниқ ифодаланмаган. Ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси 2-қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш мақсадга мувофиқ бўлади: “микрокредит ташкилотининг устав фондини шакллантиришда кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан ҳамда **мулкӣ ҳуқуқлардан** фойдаланишга йўл қўйилмайди”.

Қонуннинг 6-моддаси 3-қисми эса, фикримизча қуйидагича берилиши лозим:

- микрокредит ташкилоти устав фондининг энг кам миқдори лицензия олиш учун мурожаат қилинган кунга қадар фақат пул маблағларидан шакллантирилган бўлиши керак. Мазкур ташкилот устав фонди таркибига киритирилиши мумкин бўлган бошқа мол-мулк энг кам миқдор таркибига кирмайди.

Еттинчидан, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси 1-қисмида микрокредит ташкилоти ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқӣ шаклда ташкил этилиши мумкинлиги белгиланган. Лекин бу ҳолат Қонуннинг “Микрокредит ташкилотининг фирма номи ва муҳри”ни белгиловчи 7-моддасида ҳисобга олинмаган. Зеро, микрокредит ташкилоти юридик шахснинг муайян ташкилий-ҳуқуқӣ шаклида ташкил этилса, ушбу ташкилий шаклга хос номни ҳам назарда тутилиши керак. Шу муносабат билан Қонуннинг 7-моддасига “микрокредит ташкилотининг юридик шахс сифатидаги ташкилий-ҳуқуқӣ шакли” иборасини киритиш ва 7-моддаси 1-қисмини қуйидагича баён этиш зарур:

микрокредит ташкилотининг фирма номида микрокредит ташкилотининг юридик шахс сифатидаги ташкилий-ҳуқуқӣ шакли “микрокредит ташкилоти” сўз бирикмаси ифодаланиши ва мазкур ном бошқа микрокредит ташкилотларининг фирма номига ўхшаш бўлмаслиги керак. Ушбу қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида “микрокредит ташкилоти” сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Саккизинчидан, амалдаги қонунчиликда микрокредит ташкилоти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда очишга ҳақлилиги

белгиланган. Лекин “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг “микрокредит ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар” – деб номланадиган 13-моддасида микрокредит ташкилотининг банк ҳисобварақлари билан боғлиқ хизматлари хусусидаги қоидалар белгиланмаган. Фикримизча ушбу ҳолат Қонуннинг 13-моддаси ўз ифодасини топиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. РАҲБАРИЙ МАНБАЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. - 22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафжура. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
5. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
6. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. -176 б.
9. Каримов И.А.Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришидир. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2009.-24 б.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.
11. Каримов И.А. “Баркамол авлод йили” давлат дастури. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2010. -47 б.
12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришидир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б.35

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -39 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Кодекслари. – Тошкент: Юрист медиа маркази, 2008 . – 348 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Кодекслари. –Тошкент: Юрист медиа маркази, 2008 . – 687 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Тошкент: Адолат, 1998. - 346 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида” ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000 йил 5-6 сон, 142-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида” ги Қонуни // Халқ сўзи. 2002 йил 22 январ.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 1996 йил 26 апрель Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1996 йил № 5-6, 61-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги 1996 йил 26 апрель Қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. № 13.–Тошкент: Адолат, 1996. - 408 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Таров тўғрисида” ги (янги таҳрири) 1998 йил 1 май Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 йил, 5-6 -сон, 96-модда.
10. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007. 23-сон, 239-модда
11. Тижорат банклари томонидан иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом //“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2006 йил, 18-сон, 156-модда.
12. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва “Микрокредитбанк” кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 8-сон, 60-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида. // Ишонч. 2006 й. 6 май. № 79-80.1-2- б.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида. N ПФ-4051 2008 йил 10 ноябрь//Токшент окшоми 2008. 11 ноябрь.
15. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг 2007 йил 21 июлдаги 20/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари”// "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 39-сон, 405-модда. "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги ЎзР ОМ 12.05.2001 й. қабул қилинган 222-II-сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ЎзР 17.07.2007 й. ЎРК-102-сон Қонуни. // "Халқ сўзи" газетасида 2007 йил 18 июлда эълон қилинган.

16. Каримов.И.А.Ўзбекистонда микромолиялашни ривожлантириш. Маъруза. -Тошкент: Иқтисодий Тадқиқотлар Маркази.-Тошкент: 2005. –Б.7.

17. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустақамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим/ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2005 йил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзланган маърузаси/Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль

III. ИЛМІЙ ВА ОММАБОП МАНБАЛАР

18. Абдуазимова Л. “Микрокредитные организации: правовые основы создания и налогообложения” // Бозор, пул ва кредит. 2007. -№ 6.

19. Агарков М.М. Основы банковского права. Курс лекций. Издание 2-е. Учение о ценных бумагах. Научное исследование. Издание 2-е. М.: Издательство БЕК, 1994.-345 с.

20. Банковское дело. Учебное пособие в 2-х частях. Ч.1. Под редакцией Колесникова В.И, Санкт-Петербург. 1993. -325.

21. Баринов Н.А. Услуги (социально-правовой аспект).-Саратов: 2001.-42 с.

22. Барихин А.Б. Экономика и право. Энциклопедический словарь. –М.: Книжный мир, 2000, 928 с.

23. Благодатин А, Лозовский Л, Райзберг Б., Финансовый словарь М.: Инфра-М. 2003. –VI, 378 с.

24. Боровой С.Я. Кредит и банки России. Гос финиздат. М.: 1958 г. стр.141.

25. Брагинский М.И. Комментарий части второй Гражданского кодекса Российской Федерации. –М.: Фонд Правовая культура. 1996. -336 б.

26. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая: Общие положения : Изд. 2-у испр.–М.: «Статут», 1999.-С. 751.

27. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Книга вторая: Договоры о передаче имущества. –М.: Статут, 2000. -800 б.

28. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. –М.: Статут, 1998. -682 б.

29. Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть первая. Научно-практический комментарий / Отв.ред. Т.Е.Абова, А.Ю.Кабалкин, В.П.Мозолин. –М.: БЕК, 1996. -255 б.

30. Гражданское право / Под. Ред. Е.А.Суханова Т. 1, 2-е . –М.: изд. “Бек”, 2003.-С. 176.

31. Гражданское право / Под.ред. Е.А.Суханова. Т.2. 2-е.–М.: БЕК, 1999. –стр.146 .

32. Гражданское право. Том.1 Учебник. Издание четвертое, переработанное и дополненное./Под ред. А.П.Сергеева. Ю.К.Толстого.-М.: “Проспект”, 1999 стр. 136-137.

33. Гражданское право: Учебник. Ч. II. / Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М., 1997. – стр.330 .

34. Гражданское право: Учебник. Ч. II. / Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М.: Проспект, 1998. –стр.124 .
35. Грибанов В.П. “Осуществление и защита гражданских прав»-М.: изд. «Статут», 2000.- С.317.
36. Додонов В.Н., Каминская Е.В., Румянцев О.Г. Словарь гражданского права Д.60. М.: Инфра М., 1997. 130 стр.
37. Домашняя юридическая энциклопедия. Жилье / Под.ред. А.И.Коваленко. –М.: Олимп; ООО «Издательство АСТ», 1999. -736 б.
38. Ёкубжонов А. Микрорекредитлаш: ЕТТБ дастури.// Банк, пул, кредит. № 7. июл. 2002 .33-34-б.,
39. Жалилов Ф. Микромоллиялаш хориж тажрибаси.//Банк, пул, кредит. № 6. июн. 2007.22-25-б.
40. Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фукаролик хукуқи: Дарслик / К. 1. // Масъул мухаррир: Х.Р.Рахмонкулов. –Т.: Адолат, 1996. -296 б.
41. Золотогоров В.Г. Экономика: Энциклопедический словарь/ 2-е изд., стереотип. М.: Книжный Дом, 2004. 720 с.,
42. Ибрагимов М.”Микромоллия хизмати”// Ўзбекистон овози.2007. 15 феврал.
43. Израилбекова М. “Кредит шартномаси мажбуриятларининг бузилишига оид низоларни хал этиш тартиби”//Олий Хўжалик суди Ахборотномаси. 6/ 2008. 33-35-б.
44. Илларионова Т.И., Гонгало Б.М., Плетнев В.А., Гражданское право. Часть первая. Учебник для вузов-М.изд. «Норма», 2001.-С.422.
45. Иминов О. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг нобанк кредитланиши.//Бозор, пул ва кредит. 2000. №3. 45-47- б.,
46. Иоффе О.С. Обязательственное право. –М.: изд. «Юридическая литература» 1975.-С. 110.
47. Исмадова Н. Бизнес сармоядан бошланади // XXI аср. 2007.21 март.,
48. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, части второй (постатейный) / Отв.ред. О.Н.Садиков. –М.: Инфра-М.: НОРМА, 1996. -800 б.
49. Кравцова С.Ю. Правовой режим уставного капитала банка. –М.: Дело, 1999. стр.22.
50. Крюков С.П. «Большие цели микрокредитования».(2008. 01.10.) [http:// ru.wikipedia.org](http://ru.wikipedia.org).
51. Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности. –М.: изд. «Юридическая литература», 1970.-С. 137-138.
52. Матмуродов Ф. Ўзбекистонда хорижий кредит линиялари.// Банк, пул, кредит. № 8. август 2000 й.,
53. Мухиддинов Ж. Кредитлашни тартибга солиш.// Бозор, пул ва кредит. 1998 №4. 41-44-б.,

54. Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўсратишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан номз.дисс... Автореф.-Т.: 2007.-13 б. “Микрокредитбанк” в поддержку сельских предпринимателей»//Бозор, пул ва кредит. 2009/02.45-47-б.
55. Нарматов Н.С. Хизмат кўсратиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари.–Тошкент: ТДЮИ, 2009.-28-33 б.
56. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. Т.: ТДЮИ. 2004 151-152 б.
57. Оқюлов О. Фуқаролик –ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари//Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари.–Тошкент, 1999.-№6-75-76-б.,
58. Отахонов Ф.Х. Акционерлик жамиятлари: Саволлар ва жавоблар. –Тошкент.: Адолат, 1996. -176 б.
59. Постатейный научно-практический комментарий части первой гражданского кодекса Российской Федерации. Под.ред. Эрделевский А.М. –М.: Агенство (ЗАО) 2001.-С. 70б.
60. Развитие микрофинансирования в Узбекистане. Техническая записка. Март 2007. Документ Всемирного банка. стр.87
61. Раззоқова Ф. Микрокредитлар ҳар бир хонадонга//Миллий тикланиш-2008 й. 26 март.,
62. Раупов Р. “Микрокредитбанк” –тадбиркор аёл ҳамкори.// Оила ва жамият. 2009. 1 январ.
63. Раупов Р. Банк мижоз учун//Ишонч. 2007. 24 апр.,
64. Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар / Масъул муҳаррирлар: М.Раҳмонқулов, И.Анортоев / 1-жилд, – Тошкент.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1997. -504 б.
65. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. Т.: “Ўзбекистон” 2008 й. 86-б.,
66. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. –Тошкент.: ТДЮИ. 2003. 43-44 б.
67. Раҳмонқулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ.–Тошкент: ТДЮИ, 2007.-512 с.
68. Рашидов К., Ҳамроқулов Б. Маънавий зарар // Ж. Ҳаёт ва қонун.–Тошкент.,-2004. -№ 2. –Б. 16-17.
69. Романовская В.Б., Курзенин Э.Б. Основы Римского частного права: учебное пособие.-Ниж. Новгород:изд. “Право», 2000.-С. 95-96.
70. Рустамов Д. Кенг омма учун микрокредитлар.// Бозор, пул ва кредит.1999.№9.29-32-б.,
71. Рўзиев Р.Ж. Понятие и значение системы гражданских договоров // “Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш масалалари” мавзусидаги илмий амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент., ЎЗМУ. 2003 й. – Б. 39-42.

72. Рўзиев Р.Ж. Тадбиркорлик фаолиятида шартноманинг аҳамияти ва шартнома муносабатларини такомиллаштириш масалалари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999. № 8.
73. Рўзиев Р.Ж., Чориев М.Ш. О правовом регулировании смешанных договоров // Семнадцатые международные плехановские чтения / Тезисы докладов профессорского-преподавательского состава и специалистов практиков. –М., РЭА им. Г.В.Плеханова, 2004. –Б. 335-337.
74. Рўзиназаров Ш.Н. Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома муносабатлари // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001. № 8.
75. Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. (Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, лицензиялаш ва тугатиш) –Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2002 й. -51-б.
76. Тархов В.А. Гражданское право. Общая часть: Курс лекций. Чебоксары, 1997. -182 б.
77. Тархов В.А. Гражданское правоотношение: Монография. –Уфа: УВШ МВД РФ, 1993. -124 б.
78. Туронов М. Равшанова М. “Кредит солидар тартибда ундириладиган бўлди”// Олий Хўжалик суди Ахборотномаси. 5/2009. 41-42-б.
79. Убайдуллаев Д. “Микрокредит низоси” // Олий Хўжалик суди Ахборотномаси. 5/2009. 40-41-б.
80. Улуғмуродов Д. “Микрокредитбанк” сармоялари – бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида//Халқ сўзи-2008. 6 май.,
81. Улуғмуродов Д.” “Микрокредитбанк” мижоз манфаати устувор//Халқ сўзи. 2009. 12 март.
82. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. II-жилд (биринчи китоб) / Ҳ.Раҳмонқулов умумий таҳрири остида; Масъул муҳаррир: И.Анортоев. – Тошкент.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1998. -426 б.
83. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. II-қисм // Ҳ.Раҳмонқулов, И.Зокиров умумий таҳрири остида. –Тошкент.: Адолат, 1999. -560 б.
84. Ўзбекистонда микроолиялашни ривожлантириш. Маъруза. ИТМ. 2005 й. 14-б.
85. Ҳидоя: I-жилд / Масъул муҳаррирлар: А.Х.Саидов, М.Нуриддинов. –Тошкент: Адолат, 2001. -850 б.
86. Ҳожиев Э. Самиғжонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк ҳуқуқи: юриспруденциянинг бакалаврият йўналиши учун дасрлик/ Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Тошкент.: 2006. –Б.3.
87. Холмўминов Ж.Т. Табиат объектларидан фойдаланиш бўйича шартноманинг асосий элементлари // “Фуқаролик қонунчилиги: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари тўплами. –Тошкент., ТДЮИ. 2004. –Б. 22-24.

88. Шамшетов Ш.С. Правовое регулирование деятельности кредитных союзов в Республике Узбекистан.-Нукус: Каракалпакстан, 2007.-129 с.
89. Шерстобин А.Е. Правовое положение банков и иных кредитных организаций // Правовое регулирование банковской деятельности. Под.ред. Е.А. Суханова. М.: Юринформ, 1997 стр. 16.
90. Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права (по изданию 1907 г.). / Вступ.ст. Е.А.Суханова. –М.: Спартак, 1995. -556 с.
91. Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. –М.: изд. «Спарк», 1995-С.396.
92. Шодмонов Ф. Шартнома бўйича жавобгарлик. –Тошкент.: «Маънавият», 2001. -144 б.
93. Электронно-правовая база «Тарант», Толковый словарь.
94. Юлдашев Д. Ўзбекистон иқтисодийотида банк кредитидан самарали фойдаланиш//иқтисодиёт ва таълим. 2005. №2 63-67-б.
95. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.– Тошкент: ТДЮИ, 2004.-178 б.
96. Юровицкий В.М. Банки и небанковские финансовые учреждения.Банковское дело. 1994. №5.стр.12.
97. Ямпольский М.М. Особенности деятельности коммерческого банка. Деньги и кредит. № 2. 1994 год. Стр. 34.
98. Нуриддинова Ш. Юридик шахсларнинг бекор бўлиш усуллари.-Тошкент:ТДЮИ, 2007.- Б.43.
99. Филатов Ю.В. Правовое положение банка как субъекта гражданского права. Дис....канд.юрид.наук. Екатеринбург: 1999. –С.139.

V. СУД АМАЛИЁТИ МАТЕРИАЛЛАРИ

99. Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори 1999 йил 24 сентябрь №16 (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан).
100. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумининг “Кредит шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни тартибга солувчи фуқаролик қонунчилик нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми Қарорлари тўплами.1993-2008.Т.: “KONSAUDITIFORM-NASHR” 2009. й. 139-б.